

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ ОЛИЙ ВА ЎРТА МАҲСУС
ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

**Қўлёзма ҳукукида
УДК 629.463.3**



Мирхамидова Мухлиса Кудрат кизи

**САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ УНИВЕРСАЛ
КОНТЕЙНЕРЛАРДА ТАШИШНИ ТАШКИЛ ЭТИШ**

**5А620101 – «Ташишларни ташкил этиш ва транспорт логистикаси
(темир йўл транспорти)»**

**Магистр
академик даражасини олиш учун ёзилган
диссертация**

**Илмий раҳбар:
т.ф.н., доц. Хаджимухамедова М.А.**

Тошкент – 2016

Магистрант Мирхамидова Муханса Кудрат кизининг 5A620101
«Ташишни ташкил этиши ва транспорт логистикаси (темир йўл
транспортларида)» йўналишида магистрлик унвони учун «Сабзавот ва
подлиз маҳсулотларининг универсал контейнерларда ташишни ташкил
этиши» мавзусидаги магистрлик диссертациясига

РЕЦЕНЗИЯ

Ўзбекистон Республикаси мева, сабзавот ва подлиз маҳсулотларининг етиштиришида нафакат ўзининг ички бозори эҳтиёжини, балки Россия ва бошқа МДХ давлатларининг бизни маҳсулотга бўлган эҳтиёжини қондириш учун етарли даражада маҳсулот етиштириб бермоқда. Сабзавот ва подлиз экинларининг ўз вақтида, энг кам йўқотишлар билан, сифати бузилмаган ҳолда етказиб бериш асосий масалалардан ҳисобланмоқда. «Сабзавот ва подлиз маҳсулотларининг универсал контейнерларда ташишни ташкил этиши» мавзусидаги магистрлик диссертацияси актуал масалага бағиниланган бўлиб, унда сабзавот ва подлиз маҳсулотларининг универсал контейнерларда ташишининг илмий-назарий ҳамда амалий асосларининг, шунингдек иқтисодий самарадорлиги ҳисоб-китоблар орқали келтирилган.

Илмий излашнинг натижада универсал контейнерларда ташиш учун муқобил мева, сабзавот ва подлиз экинларининг номенклатураси аниқланган ва асослаб берилган.

Таклиф этилаётган чора-тадбирлар таъинида уларнинг сифати бузилишини ва ҳажми камайишининг олдини олиш ва ташиш жараёнида бошқа транспорт турлари билан ҳамкорликда олиб бориш имкониятини беради. Хаво ва иссиқлик алмашинувиши назорат қилини, сабзавот ва подлиз маҳсулотларида кечадиган оксидларнинг тарқалиши, ферментларнинг оксидланиши, ачиниш, таъминининг бузилишини каби ҳолатларни олдини олади.

Илмий тадқиқот натижалари 3 та мақолада chop этилган.

Иш магистрлик диссертациясига қўйилган талабларга тўлиқ жавоб беради ва химоя учун tavsiya қилини.

Логистика, юк ва
бошқармаси бошқаруви



Абдухалимов О.А

**Магистрант Мирхамидова Мухлиса Кудрат қизининг 5A620101
«Ташишни ташкил этиш ва транспорт логистикаси (темир йўл
тарсиртида)» йўналишида магистрлик унвони учун «Сабзавот ва
полиэ махсулотларини универсал контейнерларда ташишни ташкил
этиш» мавзусидаги магистрлик диссертациясига**

ТАҚРИЗ

Ўзбекистон Республикаси транспорти иқтисодий алоқаларни нафакат республика вилоятлари орасида, балки МДХ ва узок чет эл давлатлари орасида ҳам олиб боради. Мева, сабзавот ва полиэ экинлари республиканинг экспорт потенциалини ташкил этганини ҳисобга олган ҳолда, унинг истеъмолчига етказиб бериш жараёни долзарб масалалардан ҳисобланади.

Илмий изланиш ишида универсал контейнерларда ташиш учун муқобил мева, сабзавот ва полиэ экинларининг номенклатураси аниқланган ва асослаб берилган.


Таклиф этилаётган чора-тадбирлар ташишда уларнинг сифати бузилиши ва ҳажми камайишини олдини олиш ва ташиш жараёнини бошқа транспорт турлари билан ҳамкорликда олиб бериш имкониятини беради. Ҳаво ва иссиқлик алмашинувини назорат қилиш мева, сабзавот ва полиэ экинларида кечадиган окисиларнинг тарқалиши, ферментларнинг окисдлашиши, аниши, таъминнинг бузилиши каби ҳолларни олдини олади.

Ташиш жараёнини контейнерлаштиришнинг иқтисодий самарадорлигини аниқлаш учун одатда юкни ёпик вагонда ва универсал контейнерда ташиш учун кетадиган харажат таннархлари солиштирилган. Универсал контейнерларни мева, сабзавот ва полиэ экинларини ташишда ишлатиш юкнинг сифатини оптимал даражада сақлаш ва шу билан бирга иқтисодий самарага эришиш имкони борлиги ҳисоблар натижасида исботланган.

Илмий тадқиқот натижалари 3 та мақолада чоп этилган.

Ишни бажариш жараёнида магистрант ўзини илмий адабиётлар, интернет тармоғидаги маълумотлар ва корхоналар фаолиятини ақс эттирувчи ҳужжатлар билан ишлай олиш имкониятларини намоён этди. Иш магистрлик диссертацияларига қўйиладиган талабларга тўлиқ жавоб беради ва ҳимоя учун тавсия этилади.

Илмий раҳбар
т.ф.н., доцент



Ҳаджимухамедова М.А

**АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»**

**МИНИСТЕРСТВО ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО СПЕЦИАЛЬНОГО
ОБРАЗОВАНИЯ РЕСПУБЛИКИ УЗБЕКИСТАН**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

На правах рукописи
УДК 629.463.3

Мирхамидова Мухлиса Кудрат кизи

**ОРГАНИЗАЦИЯ ПЕРЕВОЗКИ ПЛОДООВОЩЕЙ В
УНИВЕРСАЛЬНЫХ КОНТЕЙНЕРАХ**

**5A620101 – «Организация перевозок и транспортные логистика
(железнодорожный транспорт)»**

**Диссертация
на соискание академической степени магистра**

**Научный руководитель:
к.т.н., доц.Хаджимухаметова М.А.**

Ташкент – 2016

**«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»
АКЦИЯДОРЛИК ЖАМИЯТИ**

**ЎЗБЕКИСТОН РЕСПУБЛИКАСИ
ОЛИЙ ВА ЎРТА МАХСУС ТАЪЛИМ ВАЗИРЛИГИ**

ТОШКЕНТ ТЕМИР ЙЎЛ МУҲАНДИСЛАРИ ИНСТИТУТИ

Факултет: Ташишни ташкил
этиш ва транспорт
логистикаси

Магистратура талабаси:
Мирхамидова М.К.

Кафедра: Транспорта
логистикаси ва сервис

Илмий раҳбар: т.ф.н.
Доц. Хаджимухаметова М.А.

Ўқув йиллари: 2014-2016

Мутахассислиги: 5A620101 –
Ташишларни ташкил этиш ва
транспорт логистикаси (темир йўл
транспорти).

МАГИСТРЛИК ДИССЕРТАЦИЯСИ АННОТАЦИЯСИ

Ўзбекистон Республикаси транспорти иктисодий алоқаларни нафакат республика вилоятлари орасида, балки МДХ ва узок чет эл давлатлари орасида ҳам олиб боради. Мева, сабзавот ва полиз экинлари республиканинг экспорт потенциалини ташкил этганини ҳисобга олган ҳолда, унинг истеъмолчига етказиб бериш жараёни долзарб масалалардан ҳисобланади.

Ўзбекистон кўп йиллар давомида Қозоғистон, Урал, Сибир ва Узок Шарқ мамлакатларига мева ва сабзавотлар етказиб бериш бўйича асосий ишлаб чиқарувчи давлат ҳисобланиб келмоқда. Шу билан бирга, мева ва сабзавотларни ортиш-тушириш ва сақлаш учун омборларга етказиш ишлари уларнинг етилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол пунктларига яқин жойда олиб борилган.

Ўзбекистон шароитида тез бузилувчан юкларни универсал контейнерларда ташиш номуқобил бўлгани учун, маҳсулотларга бўлган талаб, тез бузилувчан юкларни ташиш қоидаларини ўрганиш натижасида универсал контейнерларда ташишга мақбул бўлган мева, сабзавот ва полиз экинларининг номенклатураси ишлаб чиқилган.

Бундан ташқари мева, сабзавот ва полиз экинларини таянч станцияларга етказиб беришнинг чора-тадбирлари кўриб чиқилган. Жумладан, Россиянинг

европа қисмига ташиш Илецк станциясигача, шарқий қисмига Монетний двор станциясигача амалга оширилади. Ушбу станцияларда юкларни қабул қилиш ва топшириш ишлари, божхона кўриги, Россиянинг божхона хизматларида тегишли хужжатлар расмийлаштируви олиб борилади. Кейин эса юк манзилига Россия транспорти билан етказилади.

Мева, сабзавот ва полиз экинларини оммавий етилиши даврида уларни ортишда қуйидаги станциялар энг кўп иш хажмига эга: Олтиарик, Какир, Фуркат, Маргилан ; Келес, Чукурсай, Уртааул, Янгиюль, Тошкент – юк, Сырдарьинская, Зарафшан, Джамбай, Самарканд ва бошқалар.

Тошкент темир йўл мухандислари институти олимлари томонидан мева, сабзавот ва полиз экинларини ташиш учун ишлаб чиқилган универсал контейнер конструкцияси 20 ва 40 футли универсал контейнер асосида ишлаб чиқилган бўлиб, конейнернинг ишлаб чиқилган модели конейнер ичидаги хаво ва иссиқлик айланиши жараёнларини назорат қилиш имконини беради. Бунга махсулотни ёпик турдаги вагонларда ташишда эришиб бўлмайди. Таклиф этилаётган чора-тадбирлар ташишда уларнинг сифати бузилиши ва хажми камайишини олдини олиш ва ташиш жараёнин бошқа транспорт турлари билан ҳамкорликда олиб бориш имкониятини беради. Хаво ва иссиқлик алмашинувини назорат қилиш мева, сабзавот ва полиз экинларида кечадиган оксилларнинг тарқалиши, ферментларнинг оксидланиши, ачиши, таъмининг бузилиши каби ҳолларни олдини олади.

Ташиш жараёнини контейнерлаштиришнинг иктисодий самарадорлигини аниқлаш учун одатда юкни ёпик вагонда ва универсал контейнерда ташиш учун кетадиган харажат таннаҳлари солиштирилган. Натижада маълум бўлдики, катта тоннажли универсал контейнерда ташиш ёпик вагонда ташишдан 81% арзонроқ, ўрта тоннажли контейнерда ташиш эса 55% арзонроқ. Катта тоннажли конейнер ишлатиш эса ўрта тонажли контейнерда ташишдан 57% арзонроқ эканлиги кўрсатилган.

Илмий раҳбар

Хаджимухаметова М.А.

Магистратура талабаси

Мирхамидова М.К.

**АКЦИОНЕРНОЕ ОБЩЕСТВО
«ЎЗБЕКИСТОН ТЕМИР ЙЎЛЛАРИ»**

**МИНИСТЕРСТВА ВЫСШЕГО И СРЕДНЕГО
СПЕЦИАЛЬНОГО ОБРАЗОВАНИЯ**

**ТАШКЕНТСКИЙ ИНСТИТУТ ИНЖЕНЕРОВ
ЖЕЛЕЗНОДОРОЖНОГО ТРАНСПОРТА**

Факультет: Организация
перевозок и транспортная
логистика

Студент магистратуры:
Мирхамидова М.К.

Кафедра: Транспортная
логистика и сервис

Научный руководитель: к.т.н.
Доц. Хаджимухаметова М.А.

Учебный год: 2014- 2016 г.г.

Специальность: 5А620101 –
«Организация перевозок и
транспортная логистика
(железнодорожный транспорт)».

АННОТАЦИЯ МАГИСТЕРСКОЙ ДИССЕРТАЦИИ

Республика Узбекистан осуществляет экономические связи не только между областями страны, но и со странами СНГ и дальнего зарубежья. Учитывая, что плодоовощная продукция составляет экспортный потенциал страны, доставка этого рода грузов потребителям является приоритетной.

Узбекистан многие годы считается основным поставщиком плодоовощной продукции в страны Казахстана, Урала, Сибири и Дальнего Востока. Вместе с этим, работы по погрузке и выгрузке, а так же доставка продукции на склады потребителей осуществлялась по мере их созревания близко к пунктам потребления.

Поскольку в условиях Узбекистана перевозка скоропортящихся грузов в универсальных контейнерах является нерентабельной, была проделана работа по определению номенклатуры плодоовощных грузов, пригодных для транспортировки в универсальных контейнерах.

Так же рассмотрена технология подвоза грузов к опорным станциям. Так, перевозка в Европейскую часть России производится до станции Илецк (межгосударственная стыковая станция, Россия), а в Восточные – до станции Монетный двор. На этих станциях производится сдача и приёмка груза,

таможенный осмотр и соответствующее оформление груза в таможенных службах России. Далее груз доставляется потребителю транспортом России.

Учеными Ташкентского института инженеров железнодорожного транспорта разработана модель универсального контейнера для перевозки плодоовощей на основе 20 и 40 футового универсального контейнера, позволяющая регулировать воздухопоток и теплообмен внутри контейнера, что невозможно при использовании крытого вагона. Предлагаемые меры позволяют осуществлять перевозку плодоовощей различными видами транспорта, сохраняя при этом качество и количество груза. Регулирование воздухопотока и теплообмена позволяет предотвратить окисление, разложение белков, ферментацию, брожение и потери вкуса.

Для определения экономической эффективности контейнеризации перевозок проведено сравнение себестоимости перевозок в крытых вагонах и универсальных контейнерах. В результате было выявлено, что перевозка плодоовощей в крупнотоннажных контейнерах эффективнее на 81%, а перевозка в среднетоннажных контейнерах на 55%. Использование крупнотоннажного контейнера по сравнению с среднетоннажным, эффективнее на 58%.

Научный руководитель

Хаджимухаметова М.А.

Студент магистратуры

Мирхамидова М.К.

**JOINT STOCK RAILWAY COMPANY
"UZBEKISTON TEMIR YULLARI"**

**MINISTRY OF HIGHER AND SECONDARY
SPECIAL EDUCATION**

**TASHKENT INSTITUTE OF RAILWAY TRANSPORT
ENGINEERS**

Department: Organization of
transportation and transport
logistics

Graduate student:
Mirkhamidova M.K

Major: Transport logistics and
service

Scientific adviser: Ph.D.,
assistant professor
Khadjimuxametova M.A.

Year: 2014-2016

Speciality: 5A620101 -
"Organization of transport and
transport logistics (railways)."

ABSTRACT MASTER'S THESIS

The Republic of Uzbekistan has economic connection not only between the regions of the country, but also with the CIS countries and far abroad countries. The export potential of the country is fruits and vegetables, delivery of these goods to customers is priority.

Uzbekistan for many years considered to be the main supplier of fruits and vegetables to the country of Kazakhstan, the Urals, Siberia and the Far East. At the same time, the work of loading and unloading, as well as the delivery of products to the consumer depots carried out as they are maturing close to points of consumption.

As in Uzbekistan transportation of fruits and vegetables in universal containers is unprofitable, work has been undertaken to determine the nomenclature of horticultural goods, suitable for transportation in containers.

Also considered technology of transportation of cargo to the main stations. Transportation to the European part of Russia is made up till Iletsk station (interstate butt Station, Russia), and the East - to the station of the Monetnyy Dvor. At these stations made delivery and acceptance of the goods, customs inspection and appropriate clearance in the Customs Service of Russia. Then the cargo is delivered to the consumer by transport of Russia.

Scientists of Tashkent institute of Railway Engineers developed a model of a universal container for transportation of fruits on the basis of 20 and 40 foot universal container that allows air flow is adjusted and the heat inside the container, which is impossible when using a covered wagon. Proposed measures implemented allow the transportation of fruits a variety of modes of transport, keeping the quality and quantity of cargo. Regulations of airflow and heat transfer are preventing oxidation, the decomposition of protein, fermentation, and loss of taste.

To determine the economic efficiency of containerization comparison of the cost of transportation in covered wagons and universal containers. As a result, it was found that the transportation of fruits in large containers more efficient by 81%, and transport in intermediate bulk containers by 55%. Using large-capacity container as compared to medium effectively 58%.

Scientific adviser



Khadjimukhametova M.A.

Graduate student



Mirkhamidova M.K.

МУНДАРИЖА

КИРИШ.....	10
I БЎЛИМ. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ.....	14
1.1 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташиш билан боғлиқ илмий-тадқиқот ишлари таҳлили.....	14
1.2 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташишда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш.....	22
1.3 Универсал контейнерларда ташишга муқобил юклар номенклатурасини аниқлаш.....	26
I БЎЛИМ бўйича хулоса.....	30
II БЎЛИМ. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ УНИВЕРСАЛ КОНТЕЙНЕРЛАРДА ТАШИШДА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ САҚЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ.....	31
2.1 Универсал контейнерларда ташилувчи юкларга таъсир этувчи асосий омиллар.....	31
2.2 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини темир йўл транспортида ташишнинг бугунги кундаги ҳолати.....	39
2.3 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таянч станцияларга етказиб бериш технологияси.....	47
II БЎЛИМ бўйича хулоса.....	52
III БЎЛИМ. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ.....	53
3.1 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташишни ташкил этишнинг (универсал контейнерларда) янги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва асослаш.....	53
3.2. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини универсал контейнерларда ташишнинг иқтисодий самарадолиги.....	70
III БЎЛИМ БЎЙИЧА ХУЛОСА.....	87
ХУЛОСА.....	88
АДАБИЁТЛАР РУЙХАТИ.....	90

КИРИШ

Ўзбекистон кўп йиллар давомида Қозоғистон, Урал, Сибир ва Узоқ Шарқ мамлакатларига мева ва сабзавотлар етказиб бериш бўйича асосий ишлаб чиқарувчи давлат ҳисобланиб келмоқда. Шу билан бирга, мева ва сабзавотларни ортиш-тушириш ва сақлаш учун омборларга етказиш ишлари уланинг етилиш даражасини ҳисобга олган ҳолда, истеъмол пунктларига яқин жойда олиб борилган. Ташиш жараёнидан сўнг мева ва сабзавотлар истеъмолчи ноҳияларга яқин жойда сақлаш учун қолдирилган. Бу эса маҳсулотнинг ташиш ва сақлаш жараёнида шикастланиши сабабли сифати бузилишига олиб келган.

Иқтисодиёт секторларининг бозор иқтисодиётига ўтиши билан, истеъмолчилар мавжуд ҳолатдан қаноатланмадилар. Бу эса ўз навбатида мева ва сабзавотларни ортиш ишлари уларнинг узоқ сақланиб турганидан сўнг амалга оширилганлиги билан ифодаланди. Бугунги кунда, инсонга салбий таъсир кўрсатувчи факторларнинг кучайиб бориши давомида, мева ва сабзавотлар соғлиқ ва саломатликни сақлашда муҳим роль ўйнайди. Мева ва сабзавотларнинг аҳамияти нафақат улардаги озиқлантирувчи моддалар миқдори билан, балки улардаги соғлиқни сақловчи биологик фаол моддаларнинг мавжудлиги билан ҳам характерланади. Баҳор вақтида уларни истеъмол қилиш организмнинг қиш давомидаги фаол моддалар алмашинуви учун истеъмол қилинган оқсил, ёғ ва углеводлар чиқиндиларидан тозалаш учун тавсия этилади. Узоқ умр кўриш сирини очиш учун олимлар кекса ёшдаги аҳолининг овқатланиш рационини кузатиб боришди. Маълум бўлишича, кекса ёшга етганларнинг асосий рационини мева ва сабзавотлар, кўкатлар ва зираворлар ташкил этаркан. Буюк физиолог олим И.И. Мечников фикрига кўра, рационал овқатланган одам 120-150 ёшгача умр кўриши мумкин экан. Зеро, организмнинг эрта қаришининг асосий сабаби – нотўғри овқатланиш.

Мева ва сабзавотларнинг аҳамияти диетик овқатланиш тартибида ҳам муҳим ўрин тутди. Уларни ишлатилиши организм функцияларини

тиклайди, дори воситаларининг шифобахш хусусиятларини кучайтиради, кам ҳаракатланиш ва энергетик қуввати юқори таомлар истеъмол қилиш натижасида келиб чиқадиган касалликлар олдини олади. Меърлаштирилган тартибда мева ва сабзавотларнинг доимий истеъмол қилиш билан характерланган овқатланиш одоби ички органларнинг ва ҳаёт тизимларининг узоқ чидамлилигини оширади, соғлиқ ва саломатликни кўтаради ва ишлаш қобилиятини кучайтиради. Нотўғри овқатланиш одоби эса аксинча, организмнинг ҳимоя хусусиятларини кучсизлантириб боради.

Тиббиётчи олимлар фикрига кўра, рационал овқатланиш одоби организмнинг фаолиятини турли шароитларда, жумладан, экстремал, юқори иш қобилиятини талаб этувчи ва ташқи муҳит ноқобил таъсири шароитида, унинг ишчи фаолиятини таъминлаб беришга қодир рациондир.

Озиқ-овқат маҳсулотларининг биологик қиммати уларда организм учун зарур бўлган моддалар – оқсиллар, ёғлар ва углеводлар, витамин ва минерал тузлар миқдори билан ўлчанади. Мева ва сабзавотлар эса бу моддаларнинг асосий манбаи ҳисобланади.

Мавзунинг асосланиши ва долзарблиги. Ўзбекистон Республикаси президенти И.А. Каримов таъкидлаганидек, юртимизда етиштириладиган мева, сабзавот ва полиз экинлари нафақат ички бозор талабини қондиришга, балки МДХ ва узоқ чет эл давлатларининг маҳсулотимизга бўлган талабини қондириш учун етарли. Мева, сабзавот ва полиз экинларини ўз вақтида, сифати ва таъм хусусиятларини сақлаган ҳолда истеъмолчиларга етказиб берилиши муҳим масалалардан ҳисобланади.

Тадқиқот ишининг изланиш объекти Ўзбекистон Республикаси темир йўл транспортида мева ва сабзавотларни ташиш.

Тадқиқот ишининг предмети сифатида сабзавот ва полиз маҳсулотларини универсал контейнерларда ташишда сифат параметрларини сақлаш олинган. Универсал контейнерларда ташиладиган сабзавот ва полиз маҳсулотлари учун сифат кўрсаткичлари ҳаракатни имитацион моделлаштириш асосида аниқланади.

Тадқиқот ишининг мақсади ва вазифалари қуйидаги муаммоларни ҳал қилишга қаратилган:

- темир йўл ва автомобил транспорти ҳамкорлигида узоқ масофаларга ташишларни амалга ошириш;
- мева ва сабзавотларни ташиш технологияларини такомиллаштириш;
- юкларни мўлжалланган манзилга энг кам йўқотишлар билан етказиб бериш методларини ишлаб чиқиш
- чет эл давлатларининг бизнинг маҳсулотга бўлган талабини етарлича қондириш.

Тадқиқот ишининг илмий янгилиги қуйидагилардан иборат:

- Мева ва сабзавотларни универсал контейнерларда ташишда юкнинг сифати сақланишининг услубий ва назарий асосларини ишлаб чиқиш;
- Мева ва сабзавотларнинг сифатига комплекс таъсир этувчи транспорт ва бошқа факторларни баҳолашнинг услубини ишлаб чиқиш;
- ТТЙМИ илмий лабораториясида ўрнатилган ёпик вагон конструкциясига асосланган вибрацион стенддан мева ва сабзавотларни универсал контейнерда ташиш шарт-шароитини моделлаштириш учун фойдаланиш.

Тадқиқот ишининг масала ва фаразлари универсал контейнерларда ташиш учун муқобил мева, сабзавот ва полиз экинлари номенклатурасини аниқлаш, шунингдек, универсал контейнерлардан ушбу турдаги юкларни ташишда фойдаланиш иқтисодий самарадорлигини ўрганишдан иборат.

Тадқиқот мавзуси бўйича адабиётлар шарҳи. Мева, сабзавот ва полиз экинларини ташишнинг самарадорлигини ошириш бўйича қўйидаги олимларнинг илмий тадқиқот ишлари ўрганиб чиқилди: И.И. Мечников, А.В. Комаров, М.Н Тертерев, В.К. Мироненко, В.Н. Василева, И.П. Екимовский, Э.Б. Валта, Н.С. Теймуразов, А.Ф.Трофименко, В.П Голцев П.Г. Макаренко, Ю.А. Евсейчева, В.М. Зачепа, И.С. Беседин, А.П. Дюбко, Л.И. Волкова, И.И .Батраков, Г.Н. Шпилев, В.М. Запара, С.Н. Жаркова, В.С. Жадан, Н.А.Моисеева, Е.Г.Салкова, А.Ф. Джафаров, Е.П. Алексеев,

Е.Х. Осенова, Ш.Ш.Мирхамидов, Н.Н. Ибрагимов ва Ж.Р. Қобулов. Ташиш жараёнини ташкиллаштириш масалаларини ёритиш учун Ўзбекистон Республикасида темир йўл транспортида юк ташишни тартибга солувчи меёрий ҳужжатлар, жумладан, темир йўл тўғрисидаги Низом, Халқаро юк ташиш келишуви (СМГС), Тариф политикаси каби меёрий ҳужжатлардан фойдаланилган.

Тадқиқотда қўлланган методика тавсифи. Илмий ишнинг асосини маҳаллий ва чет эл олимлари томонидан олиб борилган изланишлар натижалари ташкил этади. Шу билан бирга, ишни бажаришда математик статистика ва математик моделлаштиришнинг амалий ва фундаментал асослари қўлланилган, илмий-техник ишланма ва илк манбаълар таҳлил қилиниб, жамланган. Илмий ишни бажаришда сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташиш учун мўлжалланган универсал контейнерни қайта жиҳозлаш ва фойдаланиш шарт-шароитларини ишлаб чиқишга илмий ёндошув ва амалий тавсиялар берилган.

Тадқиқот ишининг назарий ва амалий аҳамияти Ишнинг натижалари асосида “ЎТЙ” АЖга қарашли бўлган “ЎТК” балансидаги контейнерлардан фойдаланиш самарадорлигини ошириш ва сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташишда сифат кўрсаткичларини яхшилаш кўзда тутилган.

Илмий тадқиқот иши кириш, асосий қисм (учта бўлим), якуний хулоса, фойдаланилган адабиётлар рўйхати ва иловадан иборат.

I БЎЛИМ. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТАШИШНИНГ НАЗАРИЙ АСОСЛАРИ

1.1 Сабзавот ва полиз маҳсулоларини ташиш билан боғлиқ илмий- тадқиқот ишлари таҳлили

МДХ давлатлари ва бошқа чет эл давлатлари ҳудудида совутиб ташиш транспортининг ривожланиши жараёни турли ижтимоий-иқтисодий шароитларда кечган. Шунинг учун ҳам уларнинг бугунги ҳолатида фарқланишлар бор[5].

Ривожланган чет эл давлатлари совутиб ташиш транспортини (Европанинг “**INTERFIGO**” жамияти, АҚШ, Канада давлатлари мисолида) бугунги ҳолатини таҳлил қилиш орқали бир қанча фарқланишларни кўриш мумкин.

Чет элда темир йўл совутиб ташиш транспорти тез бузилувчан юкларни ташишда асосий транспорт воситаси саналмайди. АҚШда ушбу транспорт тури орқали тез бузилувчан юкларнинг 5%, Францияда 20% миқдори ташилади. Ташишнинг асосий миқдори автомобил транспортига тўғри келади. Транспорт секторидаги рақобатнинг кучлилиги темир йўл транспортининг мижозларга транспорт хизматлари кўрсатишда, техник ривожланишда ва юқори эгилувчан бўлишини талаб қилади[7].

Темир йўл рефрижиратор ҳаракат таркиби парки якка вагонлардан ташкил топган. Уларнинг таркибида энг содда совутиш тизимли ёки умуман совитуш тизимсиз, арзон вагонлар афзал кўрилади. АҚШда ҳаракат таркибининг асосий қисмини термос вагонлар ташкил этади. Уларнинг ишлаб чиқариш ҳажми рефрижиратор вагонлар ишлаб чиқариш ҳажмидан 6 барабар кўп. Замонавий рефрижиратор парки 60 минг рефрижиратор вагонлари ва 100 мингдан зиёд термос вагонлардан иборат[8].

Рефрижератор вагонларнинг конструкцияси ва совуқлик ишлаб чиқариш қобилияти вагон ичидаги сотутилмаган юк ҳароратини

пасайтиришга мўлжалланмаган. Бу вагонлар шунчаки олдиндан совутилган юк ортилган вагонда белгиланган ҳарорат кўрсаткичини ушлаб туришда қўлланилади.

Ихтисослаштирилган турдаги рефрижиратор таркибларининг хилма-хиллиги юқори. Бундай ҳаракат таркиби мўлжалланган турдаги юк сифатини сақлаш ва юқори сифатли ташиш шароитини таъмилаш жиҳатидан қулай бўлиб, бўш юриш коэффиценти юқори бўлганда ҳам иқтисодий қулай ҳисобланади. Тўлиқ ихтисослаштирилган ҳаракат таркибига мисол қилиб, АҚШнинг яхлит халқали йўналиш бўйича ҳаракатланадиган хоппер вагонларни мисол қилиш мумкин. Уларнинг юк кўтариш қобилияти 83 тонна бўлиб, улар картошка, цитрус мевалар ва полиз маҳсулотларини қайта ишлаш корхоналарига етказиш учун ишлатилади[7].

Замонавий шароитда чет элда рефрижератор ҳаракат таркибида барча совутиш тизимларидан фойдаланилади: машинали совутиш, қуруқ ях ва яхли эритма, суюлтирилган газ, эвтектик плиталар. Бу тизимлар уйғунлашган ҳолда ҳам қўлланилади – масалан, машинали совутиш ва эвтектик плита тизимлари бир вагонда қўлланиб, совутиш машинаси ишдан чиққан ҳолда керакли ҳароратни ушлаб туради. Рефрижиратор паркиннинг ривожланишига бундай уюшқоқ ёндашув турли тизимдаги ва турли технологик, иқтисодий ва самарадорлик кўрсаткичли вагонларнинг кенг танловини беради.

Контейнер, контрейлер, интермодал ташиш турлари ҳам кенг ривожланиб бормоқда. Бутун дунё бўйлаб рефрижиратор контейнерлар парки 200 мингдан зиёд (шу жумладан, улар орасида газ муҳитини тартибга солувчи хусусиятли). Бундай контейнерларни АҚШнинг TRANSFRESH ва TROPICAL SHIPPING, Австриянинг FRANZ WELLS, ГФРнинг FRESH BOX KG ҳамда GRAAF фирмалари ишлаб чиқаради[9].

Контейнерлар замонавий бошқарув ва кузатув тизимлари билан таъминланади. Японияда ишлаб чиқариловчи контейнерлар ҳар бир юк

ортилиш жараёнидан олдин мухитни текшириб боради ва натижаларни микропроцессор хотирасида ёзиб олади.

Баъзи ҳолатларда, майда жўнатмалар ва терма жўнатмаларда мева ва сабзавотлар ташишда якка контейнерлар ва вагонларнинг юк кўтариш қобилияти кўплик қилади. Шунинг учун вагон ва контейнерлада уларнинг параметрларига мос келадиган, герметикликни таъминлайдиган тўсиқлар қўйилиши орқали бир вагон ёки контейнерга бир неча турдаги мева ва сабзавотлар ортилади. Бундай бир неча секцияли вагон ва контейнерларга эҳтиёж ортиб бормоқда. Чунки секцияларда ҳар хил ҳарорат кўрсаткичларни таъминлаш имконияти мавжуд[10].

Чет эл совутиб ташиш транспорти ривожланишини таҳлил қилган ҳолда шуни айтиш мумкинки, кўп ҳолларда уларнинг ривожланиш кўрсаткичи МДХ давлатлариникидан устунроқ.

Тез бузилувчан юкларни ташишда уларнинг сифатини сақлашнинг асосий йўлларида бири бўлиб уларнинг ташишга тўғри термик тайёрланиши ҳисобланади. Ташиш жараёнига тайёрлашда оптимал ҳароратга келтириш учун қулай усул – бу машинали совутиш. Машинали совутиш узоқ вақт бутунлай замонавий технологиялар (модификациялашган газ мухити, қуёш энергиясидан совутгич ускуналарда фойдаланиш) билан тўлиқ алмаштириб олинishi амин. Шунга қарамасдан, чет эл олимлари совутиб ташиш транспорти ушбу йўналишда илмий изланишлар олиб бормоқдалар.

Ўрта Осиёё ҳудудида совутиб ташиш бўйича илк тажрибавий ташишлар 1913-1914 йилларда бошланган. Бу тажрибавий ташишларни совутиб ташиш транспорти соҳасидаги илк қадам сифатида кўриш мумкин. Чунки ушбу тажрибали ташишлар давомида кузатувлар олиб борилган ва натижаларнинг назарий таҳлили амалга оширилган.

Кейинчалик бу ишлар 1964 йидан бошлаб Санкт Петербург давлат темир йўл ҳамда Москва давлат темир йўл университетларида давом эттирилди. Темир йўллар соҳасидаги бошқа институтлар, одатга кўра,

ўзининг жойлашган регионидан келиб чиқадиган юк айланмаси маҳсулотларининг ташишишини ўрганар эди[11].

Профессор А.В. Комаров ишларида тез бузилувчан юкларни ташишни такомиллаштириш бир бири билан боғлиқ чора-тадбирлар тизими сифатида эътироф этилган. Ташилаётган юкларнинг қишлоқ-хўжалик факторига катта аҳамият берилган. Чунки ташилаётган маҳсулотнинг сифати нафақат ташиш жараёнидаги факторларга, балки, уларнинг ўстирилиш, етилтириш шароитлари, ташишга тайёрлаш усулларига ҳам боғлиқ. Профессор А.В. Комаров изланиш натижаларига кўра, тез бузилувчан юкларни ташишда уларнинг сифати бузилишининг аниқ сабабларидан бири – бу юкни ташишга тайёрлаш жараёнига тайёргарлик ишлари босқичларини уйғунлашмаган ҳолда олиб борилиши. Айниқса, бу ҳолат тез бузилувчан юкларни олдиндан совутиш, саралаш ва қадоқлаш ишларида яққол намоён бўлади[12].

Петербург давлат темир йўл университетида темир йўл совутиш транспортини узлуксиз совутиб ташиш тизимидаги ролини такомиллаштиришнинг назарий асосини ишлаб чиқиш ва шу асосида юк ташиш шароитини яхшилаш масалаларини профессор М.Н Тертерев ва В.К. Мироненко ўрганиб чиқишган.

М.Н. Тертерев ўзининг изланишларида темир йўл совутиб ташиш транспортининг узлуксиз совутиш тизимида фаолиятининг назариясини ишлаб чиқди. Темир йўл совутиб ташиш транспортдан фойдаланишни белгилаб берувчи шартлар ва белгилари аниқланган ва тизимлаштирилган. Узлуксиз совутиш занжирининг асосий параметрлари ўзгариши қонуниятини таҳлил қилинган. Илк бор темир йўл совутиб ташиш транспортининг технологик, иқтисодий ва эксплуатацион жихатлари комплекс ўзганилди. Совутиб ташиш транспортининг эксплуатацион масаласини ечишда узлуксиз совутиш занжири тизимости элементлар бирлиги сифатида кўриб чиқилган. Бу эса ўз навбатида алоҳида элементларнинг алоқадорлиги қонуниятини белгилаш ва изотермик

ҳаракат таркибидан фойдаланишни интенсивлаштириш йўллари белгилаб беради. М.Н. Тертерев фикрига кўра, янгича шароитда юкларни вақтида етказиб бериш муаммосини тизимлаштирилган, логистика тамоилларига асосланган йўл билан ҳал этиш керак. Тез бузилувчан юкларнинг магистрал оқимини йўлга қўйиш яхлит тизим сифатида кўрилади. Тизим эса, ўз навбатида, режалаштириш, бошқариш, ахборот, назорат ва бошқа логистика билан бирлашган элементлардан ташкил топади. Транспорт логистикаси сифатли ташиш жараёнини “эшикдан эшиккача”, ўз вақтида, нормадан ортиқ йўқотишларсиз ва минимал харажатлар билан ташкиллаштириб беришга қаратилган. Аммо, профессор ўз илмий ишларида тез бузилувчан юкларни ташишда юк сифатига уларнинг етиштирилиш шароитлари, улардаги нитратлар миқдори ва шакарлилиги каби омиллар таъсирини эътироф этмаган. Ушбу факторни инобатга олиш жуда муҳимдир, чунки нитратлар ва шакар миқдори ташилаётган юк сифатига тўғридан тўғри таъсир кўрсатади[13].

В.К. Мироненко илмий тадқиқотларида тез бузилувчан юкларни ташиш масалаларининг энг асосий деб топилганлари учун уларни ечишнинг назарий услублари ишлаб чиқилган. Совутиб ташиш транспортининг замонавий ҳолати ва унинг иш жараёнининг ўзгариб бориши шароитида изотермик парк тузилмасини юкларни етказиб бериш муддатига кўра оптималлаштириш, ҳаракат таркибини ўзида юкларнинг хусусиятини ҳисобга олган ташиш шартлари ва параметрларини оптималлаштириш, совутиб ташиш транспорти рентабеллигини ва юк бутунлигини ошириш тадбирлари тақдим этилган. Аммо, профессор ўз илмий ишларида рефрижиратор вагонларни юкланган ҳолда йўл юриши давомида шамоллатиш омилини, транспорт турининг ва бошқа чет факторларнинг тез бузилувчан мева ва сабзавотларнинг бутунлигига ташиш жараёни давомида таъсирини ўрганмаган. Бу эса ўз навбатида юк сифати бузилишининг сабабларини назарий ва амалий жиҳатдан етарлича очиб бермаган[14].

Тез бузилувчан юкларни ташишни ташкил этишга ва совутиб ташиш транспортнинг техник кўрсаткичларини оширишга қаратилган тадқиқот ишларининг асосий қисми техника фанлари номзодлиги учун ёзилган диссертация ишларида кўриб чиқилган.

Рефрижиратор вагонларда юк ташиш услубларини прогнозлаштириш, автоном рефрижиратор вагонлардан фойдаланишнинг самарадорлигини оширишга қаратилган чора тадбирлар комплекси, тез бузилувчан юкларни ташишда ортиш-тушириш ишларини механизациялаштириш чора-тадбирлари техника фанлари номзодлиги учун В.Н. Василева, А.П. Дюбко, И.П. Екимовский, Э.Б. Валта, Н.С. Теймуразов, А.Ф. Трофименко, В.П. Голцев диссертацияларида ёритиб берилган.

Мева, сабзавотлар ва полиз экинларини ташишни ташкил этиш ва технологияларини такомиллаштириш масалари техника фанлари номзодлиги учун П.Г. Макаренко, Ю.А. Евсейчева, В.М. Зачепа, И.С. Беседин диссертацияларида кўтарилган.

Узлуксиз, яхлит совутиб ташиш занжирининг фаолият юритишида асосий муаммоли масалалардан бири бўлиб мева, сабзавот ва полиз экинларини олдиндан тўғри совутиш ва ташишга тайёрлаш кўрилмоқда. Ушбу масалани ўрганишда Н.Г. Макаренконинг ташилаётган маҳсулотларни олдиндан совутишнинг эффективлиги ва зарурлигини асослаб берувчи изланишлари ўрни катта. Унинг мева ва сабзавотларни партияли жўнатмаларни тахлили натижасида маълум бўлдики, партиянинг ўртача ўлчамда тузилиши изотермик парк вагонларининг юк кўтариш қобилиятдан рационал фойдаланиш кўрсаткичи ва иқтисодий самарани ошишига тўғридан тўғри боғлиқ[15]. Натижада қабул қилинган хулоса бугунги кунда долзарбдир, чунки катта партиядаги юк ташувчилар миқдори камайиб бормоқда, уларнинг ўрнини майда жўнатмалар эгаллаб бормоқда.

Изотермик вагонлар паркини оптимизациясига бағишланган А.П. Дюбко, Л.И. Волкова ва И.И. Батраков томонидан олиб борилган

изланишларда аниқланганки, ҳаттоки режалаштирилган хўжалик шароитларида ва йирик товар ишлаб чиқаришда парк таркибида якка вагонлардан фойдаланиш ўринли ва рационал[15]. Шубҳасиз, бу хулосаларнинг долзарблиги замонавий шароитларда ҳам ўринли.

Ҳар хил типдаги изотермик ҳаракат таркибининг мавжудлигида (ёки фойдаланиш имконияти мавжудлигида) турли вагон ва контейнерларни ишлатиш соҳасини рационал танлаш масалалари ҳам қўйилади. Бу масалаларга техника фанлари номзодлари А.П. Дюбко ҳамда Е.А. Крутованинг илмий ишлари бағишланган бўлиб, уларда вагон-термосларни ишлатиш соҳасини ўрганиб чиқишган. Г.Н. Шпилев ва бошқаларнинг ишларида темир йўл транспортида суялтирилган азотли совутиш тизимини ишлатиш асослаб берилган. Техника фанлари номзоди В.П. Голцев ва Н.А. Соколова ҳамда муҳандис Н.В. Громованинг илмий ишларида йирик тоннажли контейнерларни ишлатишнинг мақбул соҳалари келтирилган; техника фанлари номзоди В.М. Запара ишларида мева ташувчиларни ишлатиш соҳалари келтирилган[16].

Бундан ташқари модификациялашган газ муҳитини мукаммаллаштирилган ҳаво тақсимлаш тизимлари билан комплексида ишлатилиши каби чора тадбирларни қўллаш ўрганилмоқда. Бундай услуб мева ва сабзавотларни ташишда уларнинг сифати бузилишини 4.5 мартагача камайтиради.

Қўп давлатларда мева, сабзавот ва полиз экинларининг сифати бузилишини камайтириш учун совутгичда сақлаш жараёнида турли хил табиий, микроблар кўпайишини олдини оладиган ва инсон организми учун безарар, антисептиклар ишлатилади. Бу каби юк сифати бузилишини камайтирилишига қаратилган тажрибалар С.Н. Жаркова томонидан олмалар учун бажарилган.

Маълум бўлдики, кўпчилик мева ва сабзавот маҳсулотларини сақлаш вақтини узайтириш уларнинг сирт харорати 0,5...1С (хужайраларнинг криоскопик яхлаши температурасидан баланд) бўлганда эришилади. Бу

масалага В.С. Жадан, Н.А. Моисеева, Е.Г. Салкова илмий изланиш ишлари бағишланган.

Ўзининг изланишларида А.Ф. Джафаров, Е.П. Алексеев, Е.Х. Осенова шуни асослаб бердиларки, цитрус мевалардан фақат банан $+3^{\circ}\text{C}$ дан паст температурада музлаб қолади, В.Г. Сперанский эса бошқа цитрус меваларни ўрганган ҳолда маълум қилдики, $0\ldots-2^{\circ}\text{C}$ ҳароратда сақланган меваларнинг пулпа қисмида нордон моддалар шаклланади[17]. Аммо, 0°C ҳарорат кескин ўзгаришларсиз, доимий сақланиб туришида меваларда микробиологик касалликлар ривожланмайди. Шунинг учун денгиз орқали ташишда рефрижиратор вагонларда $2\ldots5^{\circ}\text{C}$ ҳарорат ўрнатилади ва шу билан бирга карантин чоралари кўрилади. Чунки бундай ҳарорат цитрусларга салбий таъсир кўрсатади.

Мева, сабзавот ва полиз экинларини ташиш ва сақлаш учун оптимал ҳарорат даражалари бўйича тавсифлар ва қўлланмалар дунёвий тажрибада кенг ўрганилган ва Халқаро совуқлик институти (Международный институт холода - МИХ) ишларида тўлиқ акс эттирилган.

Аммо, совутиб ташиш технологиялари соҳасида мева ва сабзавотларни ташиш бўйича тўпланган оптимал, индивидуал ҳарорат режимлари ҳақида тўпланган маълумотлар тўлалигича исботлаб келтирилмаган.

Чет элда мева ва сабзавотларни ташишда асосий фарқли жихати шуки, уларда фақат экологик тоза ва соф маҳсулот қабул қилинади.

1.2 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташишда қўлланиладиган меъёрий ҳужжатларни ўрганиш

Бугунги кунда мева, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотларини ташишда қуйидаги ҳужжатларга асосланган ҳолда иш юритилади: Темир йўл Низоми, унинг асосида 1965-1982 йилларда тасдиқланган Юокларни ташиш қоидалари, чунки Ўзбекистон Республикаси Вазирлар маҳкамасининг 29-апрел 1992 йилдаги №210 “Собиқ иттифоқ қонуности актларини қайта кўриб чиқишни ташкиллаштириш тўғрисида”ги қарорига

кўра, Ўзбекистон Республикасида тегишли меъёрий ҳужжатлар қабул қилингунга қадар, собиқ иттифоқнинг қонуности актларининг Конституцияга зид бўлмаган қисмлари амал қилиши мумкин[18].

Ташишга қабул қилинаётган тез бузилувчан юклар, хусусан, мева ва сабзавотлар сифати турлича ДСТ сифат нормалари билан тартибга солинади ва ушбу ишлаб чиқилган нормалар ташиш амалга оширилаётган барча мамалакатлар ҳудудида қабул қилинади.

Мева ва сабзавот маҳсулотлари ташиш учун қабул қилинаётганда ҳар бир партия учун сифат гувоҳномаси ва ўсимлик маҳсулотлари таркибидаги токсин моддалар миқдори ҳақида, пестицидлар миқдори регламентига мослиги ҳақида сертификат билан қабул қилиниши керак. Картошка ва қовун, қарам, сабзи, пиёз каби маҳсулотлар таркибида нитратлар миқдори озик-овқат хом-ашъёси ва истеъмол маҳсулотлари учун ўрнатилган тиббий-биологик талаблар ва санитар нормалар белгилаб берган чегарасидан юқори бўлмаслиги керак[19].

Тарвуз маҳсулотлари учун таркибидаги нитратлар, оғир металллар миқдорига бўлган талаб юқорида келтириб ўтилганлардан фарқланади. Тарвузларда пестицидлар, оғир металллар ва мишьякнинг қолдиқ миқдори мумкин бўлган концентрациядан ошмаслиги зарур, нитратлар миқдори қабул қилинган чегараларда бўлиши лозим[20].

Кўпчилик умумий ташиш муддати “чекланмаган” ва 20 суткадан ортиқ бўлган (25 суткагача) мева ва сабзавот, полиз экинлари куз-қиш фаслида етиштириладиган; ташиш ва сақлаш давомида узоқ ётувчанлик хусусиятига эга бўлган кеч пишиб етиладиган маҳсулотларга бўлинади. Бундай кўрсаткичли маҳсулотларга олма, кузги нок, беҳи, хурмо (етилмаган), узумнинг ошхона навлари, кљюква, брусника, цитрус мевалари, анор, қарам, лавлагининг ошхона нави, қовоқ, тарвуз, қовун, пиёз ва саримсоқ киради.

Тез бузилувчан юкларни ташиш кўрсаткичларининг сўнгги 5 йиллик ҳисоботларни таҳлил қилиш асосида маълум бўлдики, ташилаётган

махсулотларнинг 8,1% – сабзавотлар (пиёз, сабзи, лавлаги, карам), 1,4% – мевалар (шафтоли, олхўри, ўрик), 4% – олмалар ташкил этади. Ташилаётган махсулотларнинг умумий қисмида 90% гача сифат бузилиш кўрсаткичи темир йўл транспорти улушига тўғри келмоқда. Ушбу кўрсаткичнинг деярли ярмини картошка махсулоти ташкил этади, 27-30% – сабзавотлар (пиёз, сабзи, лавлаги, карам) ва полиз экинлари (қовун, тарвуз), 20-23% – мевалар (шафтоли, олхўри, ўрик) ва узум ташкил этади[20].

Тижорат актлари ва ташиш сақланмаганлиги аризаларини тахлил қилиш асосида қуйидаги хулосага келинди: энг кўп йўқотишлар миқдори янги пишган сабзавотлар (сабзи, карам, пиёз, лавлаги), кечки картошка, полиз махсулотлари улушига тўғри келмоқда.

Ўзбекистон Республикаси ҳудудида автомобил транспортида юк ташиш қоидалари Вазирлар Маҳкамасининг 1-август 2014-йилдан № 213 сонли қарори билан тасдиқланган ва 1-январ 2015-йилан кучга кирган. Мазкур ҳужжат 5 та бобдан иборат бўлиб, улардан 3-боб алоҳида ташиш шароитини талаб этувчи юкларга бағишланган.

У ерда қайд этилишича, тез бузилувчан юклар, асосан, махсуллаштирилган изотермик кузовли автотранспортларда температура режимни сақлаган ҳолда ташилиши лозим.

Тез бузилувчан юклар ташишга қабул қилинмаслиги мумкин, агар ташиш ҳужжатлари комплектида юк жўнатувчи томонидан ташиш амалга оширилиши мумкин бўлган вақт кўрсатилмаса, шунингдек, ташиш амалга оширилиши мумкин деб кўрсатилган вақт махсулотни етказиб бериш муддатидан кичик бўлса.

Ташишни амалга оширувчи ташкилот, агар махсулот герметик қадоқланган ўрамда бўлмаса, ташиш учун тақдим этилган юклар сифатини ихтиёрий танлаб олиш йўли билан текшириш ҳуқуқига эга. Юкни очиб текширилгандан кейин қайта қадоқланиши юк жўнатувчи томонидан амалга оширилади.

Юк жўнатувчи ташишни амалга оширувчи ташкилотга тез бузилувчан юклар учун транспорт юк хати билан бирга, агар ташилаётган маҳсулот сертификат талаб этувчи юклар рўйхатида бўлса, юк сифати ҳақида сертификат ёки гувоҳнома тақдим қилиши мажбурий.

Юк жўнатувчи товар-транспорт юк хатида юкнинг ортилишидан олдинги асл хароратини ҳамда юкни ташиш мумкин бўлган муддатни кўрсатиб ўтиши лозим. Агар юк хатида кўрсатилган юкнинг максимал ташилиш муддати амалдаги ташиш муддатидан кам бўлса, бундай юк ташишга қабул қилинмайди[25].

Аммо, тез бузилувчан юкларни автомобил транспортида ташилиш жараёни учун ташиш муддати меъёрий ҳужжатларда қайд этилмаган ва тасдиқланмаган.

Шу билан бир қаторда, автомобил кузовига тез бузилувчан мева, сабзавотлар, реза мевалар тарада ортилганда, улар орасида бўш жой қолдирилмасдан, зич қаторлар билан ортилади ва улар орасида хаво алмашиниши учун жой қолдирмайди. Бироқ, тез бузилувчан мева, сабзавотлар ва полиз экинларини темир йўл транспортида ташишни ўрганишга бағишланган илмий ишларда кўрсатилишича, маҳсулот юкланган идишларни вагонларга орасида бўш жой қолдирмасдан тахланиши юкнинг сифат кўрсаткичига салбий таъсир кўрсатади. Чунки маҳсулотнинг етилиши ва пишиш жараёни ташиш вақтида ҳам давом этади.

Меъёрий ҳужжатларнинг тахлили шуни кўрсатадики, тез бузилувчан юкларни ташишга қабул қилишда уларнинг таркибидаги токсикологик элементлар, пестицидлар ва нитратларнинг миқдорини инобатга олиш муҳим. Фақат тарвузлар учун нафақат пестицидлар ва нитратлар миқдори, балки оғир металллар ва мышьяк миқдори ва қолдиқлари учун ҳам текширув натижалари кўрсатилиши керак. Бу талабларнинг барчаси инсон организмни зарарли моддалар таъсиридан сақлашга қаратилган[23].

Амал қилаётган Темир йўлда юк ташиш қоидаларига кўра (1-қисм, 31-бўлим) янги мева ва сабзавотлар ҳамда картошка маҳсулотларни ташишга қабул қилишда қуйидаги факторларни ҳисобга олиш лозим: ташиш жараёнининг ҳарорат режими, ортиш услуби ва баландлиги, қўшимча юкламалар, ташишнинг максимал давомийлиги[22].

Амалдаги қоидаларга асосан, мева ва сабзавотлар ташиш учун янги, тоза, механик уринишларсиз, ҳашоратлар ва касалликларга чалинмаган, ҳар бир вагон партиясида етилиш даражаси бир хил меъёрга; агар ўрам ёки идишсиз ташилиши кўзда тутилмаган бўлса, ҳар бир тур учун мос идишга қадокланган ҳолда қабул қилиниши зарур. Мева ва сабзавотлар ёпик турдаги идишга унинг қирраларига зич тахланган ҳолда, уларнинг бир бирига урилиши ва ишқаланишини олдини олган ҳолда ортилади.

Меъёрий ҳужжатларни ўрганган ҳолда қуйидаги хулосаларга келиш мумкин: янги мева, сабзавот ва полиз экинларининг ташиш жараёнидаги сифатига уларнинг ташқи кўриниши (ўлчами, пишганлик даражаси), таркибидаги нитратлар ва токсинлар миқдори ҳамда уларнинг назорати, ўрами, ташиш шароити, ортиш усули ва баландлиги, ташишнинг муддати таъсир этади. Ушбу хулосалардан келиб чиққан ҳолда, шуни таклиф этиш мумкинки, тез бузилувчан маҳсулотларни ташишга қабул қилишда уларнинг сифатига ташқи кўринишгагина таянган ҳолда баҳо бермай, таъсир кўрсатувчи барча факторларни инобатга олиш лозим. Шунингдек, юқорида келтирилганлардан хулоса қилиб айтиш мумкинки, мева ва сабзавотлар ташиш муддатини ва шарт-шароитини автомобил транспорти учун ҳам қайта кўриб чиқиш лозим. Чунки бугунги кунда автомобил ва темир йўл транспортлари ҳамкорлигидаги мултимодал ва интермодал ташишлар Ўзбекистон Республикаси ҳудудида кенг тадбиқ этилмоқда.

1.3 Универсал контейнерларда ташишга муқобил юклар номенклатурасини аниқлаш

Тез бузилувчан мева, сабзавот ва полиз экинларини универсал контейнерларда ташиш Халқаро темир йўлда юк ташиш Келишуви (СМГС), Мустақил давлатлар ҳамдўстлиги давлатлари ҳамда Латвия Республикаси, Литва Республикаси, Эстония Республикаси орасидаги Халқаро темир йўлда юк ташиш Келишуви алоҳида меъёрларни қўллашнинг фарқли жиҳатлари хусусидаги келишуви (ОП СМГС) асосида олиб борилади.

Станцияга тез бузилувчан юклар ортилган универсал контейнерлар ортиш-тушириш операциялари учун устувор масала сифатида биринчи ўринда юборилиши керак.

Универсал контейнерларда тез бузилувчан мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташиш шарт-шароитлари.

Озиқ-овқат маҳсулотларини ташишга мўлжалланган универсал контейнерлар юк жўнатиловчи мамлакатда ўрнатилган санитар нормалар талабларига жавоб бериши керак.

Тез бузилувчан юкларни ташишда юк жўнатувчи СМГС нинг 11-бандига асосан, юк хати билан бирга кузатиб борувчи ҳужжат сифатида тез бузилувчан юк сифатини тасдиқловчи, фақат ташилаётган тез бузилувчан юк ва юк хатига таалуқли сертификат ёки спецификацияни илова қилиниши керак[20].

Универсал контейнерларда ташилувчи тез бузилувчан юклар сифати жиҳатидан, юк келиб чиқиш давлатида амал қилувчи меъёрий ва техникавий ҳужжатларда ўрнатилган талабларга (стандартлар, техник шартлар ва бошқалар ҳужжатлар) жавоб бериши керак.

Тез бузилувчан юк қуйидаги ҳолларда ташишга қабул қилинмайди:

- СМГС нинг 14-бандига ўрнатилган юкни етказиб бериш муддати унинг сифатини тасдиқловчи ҳужжатда кўрсатилган ташишга мойиллик вақтидан узоқ бўлса;

- Юкни сақлаш муддати тугагандан сўнг, агар маҳсулот ишлаб чиқарилган санадан то унинг универсал контейнерга ортилишигача бўлган умумий вақт давомийлиги меъёрий ва техник ҳужжатларда кўрсатиб ўтилган юкнинг яроқлик муддатидан узоқ бўлса[20].

Тез бузилувчан юк ташишга тақдим этилаётганда унинг қадоқланган идиши мустаҳкам, соз, тоза, механик шикастларсиз, юкнинг сифати сақланишини таъминловчи, юкни ортиш-тушириш, штабел тахлашда механизациялашган усулдан фойдаланиш имконини берувчи бўлиши керак.

Универсал контейнерларда ташиладиган юк контейнернинг сирти бўйлаб зич штабел қилиб, бир текисда, эшикларнинг тўсиксиз очилишини таъминлайдиган қилиб тахланиши лозим.

Тузланган, нордонланган, мариновка қилинган, консерваланган ҳолдаги сабзавотлар, кўзикорин маҳсулотлари, мевалар ва реза мевалар ташиш учун полиэтилен ёки полимер сирт билан қопланган бочкаларда тақдим этилади. Маҳсулот ортилган бочкалар зич ёпилиши ва суюқлик оқиб кетмайдиган қилиб қадоқланади. Блокларга қадоқланган маҳсулот универсал контейнерларда ташиш учун транспорт пакетларига ўралади ва ҳаво ҳарорати ўзгаришига чидамли бақувват плёнка билан тортилади.

ТБА ва комбиблок транспорт пакетларни ўрнатишда улар битта ярус қилиб тахланади.

Тез бузилувчан маҳсулот универсал контейнердан тушириб олингандан кейин контейнернинг усти ва ичи ювилади, юкни маҳкамлаб турувчи мосламалар ечиб олинади (кўчмас ҳолда маҳкамланганлардан ташқари), кўчмайдиган инвентар мосламалар, шу жумладан турникет, соз техник ҳолатга келтирилади. Ушбу ишлар учун жавобгарликни юк туширилиши ким томонидан амалга оширилганлигига қараб, юкни қабул қилувчи ёки ташиб берувчи корхона ўз бўйнига олади[24].

СМГС юк хатининг 7-банди “Чегаравий ўтиш станцияси” бандида юк жўнатувчи универсал контейнерлар учун очиқ юк жўнатувчи мамлакат,

транзит мамлакатлар чегаравий ўтиш станцияларни Давлатлараро контейнер вагонларни тузиш режасида кўрсатиши лозим.

Агар тез бузилувчан юкни универсал контейнерда ташиш СМГС келишувида қайд этилмаган шартларда амалга оширилиши керак бўлса, бундай ташиш жараёнида иштирок этувчи темир йўл маъмуриятларининг, СМГС қоидаларига асосланган ҳолда, ташиш учун махсус шароит келишуви асосида олиб борилиши мумкин. Бошқа ҳолларда темир йўл транспортида амал қилувчи меъёрий ҳужжатларга асосан иш олиб борилади[20].

Ташишга қабул қилинадиган юкларнинг кўпчилигининг ташиш давомийлиги “Чегараланмаган”, яъни 20-25 суткани ташкил этади ва қуйидагича табақаланади: етилиб пишган маҳсулотлар, куз-қиш мавсумида етиштириладиган маҳсулотлар, сақлаш ва ташиш давомида узок ётувчанликка эга бўлган маҳсулотлар. Бундай талабларга мос келувчи маҳсулотларга кузда пишиб етиладиган олма ва нок, пишиб етилмаган беҳи ва хурмо, ошхона навидаги узум, цитрус мевалар, анор, карам, картошка, сабзи, лавлаги, қовун, тарвуз, пиёз ва саримсоқ маҳсулотлари киради. Тез бузилувчан юкларни ташиш хажмларини сўнгги беш йил оралиғида таҳлил қилиш асосида шу аниқландики, янги етиштирилган сабзавотлар (пиёз, сабзи ва лавлагининг ошхона навлари, карам) – 8.1%, мевалар (шафтоли, олхўри, ўрик) – 1.4%, олмалар – 4% ни ташкил этади. Барча турдаги транспорт воситалари билан ташишда энг кўп сифат бузилиши темир йўл транспортига тўғри келар экан. Сифати энг кўп бузиладиган юклар улущининг ярмини картошка ташкил этади, 27-30%ни сабзавотлар (пиёз, карам, сабзи ва лавлаги ошхона навлари) ва полиз экинлари (тарвуз, қовун), 20-23%ни мевалар (олхўри, шафтоли, ўрик) ва реза мевалар (узум) ташкил этади[26]. Шунинг оқибатида ҳулоса қилиш мумкинки, универсал контейнерларда ташиш учун муқобил юклар қуйидагилардир: пиёз, лавлаги ва сабзининг ошхона нави, карам, кечки пишадиган навдаги картошка, қовун ва тарвуз.

I БЎЛИМ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1.Бугунги кунда сабзавот ва полиз маҳсулотларини ўз вақтида, сифати бузилмасидан, нобуд бўлмасидан сотиш, МДХ, Латвия, Литва, Эстония Республикалари билан ўзаро фойдали савдо-иқтисодий ҳамкорликни мустаҳкамлаш ва ривожлантириш, мева ва сабзавот маҳсулотлари, полиз экинларини экспорт қилиш учун темир йўл транспорти асосий транспорт воситаси бўлиб ҳисобланади.

2.Юқорида келтириб ўтилган фикрларга кўра, ташиш жараёнини тезлатиш ва автомобил транспорти, сув транспорти билан ҳамкорликда ташишни амалга ошириш мақсадида универсал контейнерлардан фойдаланиш тажрибаси АҚШ, Франция, Германия давлатларида кенг қўлланилади.

3. Ўзбекистон шароитида тез бузилувчан юкларни универсал контейнерларда ташиш номуқобилдир. Шунинг учун маҳсулотларга бўлган талаб, тез бузилувчан юкларни ташиш қоидаларини ўрганиш натижасида қўйидаги мева, сабзавот ва полиз экинлари универсал контейнерларда ташишга мақбул деб топилди: пиёз, лавлаги ва сабзининг ошхона нави, карам, кечки пишадиган навдаги картошка, қовун ва тарвуз маҳсулотлари.

II БЎЛИМ. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ КОНТЕЙНЕРЛАРДА ТАШИШДА УЛАРНИНГ СИФАТИНИ САҚЛАШ ЧОРА-ТАДБИРЛАРИ

2.1. Универсал контейнерларда ташилувчи юкларга таъсир этувчи асосий омиллар

Мева, сабзавот ва полиз экинларининг сифати давлат стандартлари (ДСТ), саноат стандартлари (ОСТ), республика стандартлари (РСТ), техник шартлар (ТУ), шунингдек, агар маҳсулот учун стандарт ёки техник нормалар ишлаб чиқилмаган бўлса, келишув шартлари асосида белгиланади. ДСТ лар оммавий ишлаб чиқариладиган мева ва сабзавотлар ва умумий истеъмол маҳсулотлари (олма, нок) учун тасдиқланган, РСТлар чекланган миқдорда истеъмол қилинадиган маҳсулотларга ўрнатилган, ОСТлар саноат ишлаб чиқариш маҳсулотлар (тез музлатилган мева ва сабзавотлар) сифатига ўрнатилган, ТУ – янги ўзлаштирилган, хали давлат, республика, ва саноат стандартлари ўрнатилмаган маҳсулотлар учун белгиланади. Масалан, ТУ 28-6-2-79 полимер плёнкаларга қадоқланган тузланган помидор маҳсулотларига берилган[25].

Мева, сабзавот ва полиз маҳсулотлари сифатини умумий ва специфик турга ажратиш қабул қилинган. Умумий кўрсаткичларга маҳсулотнинг ташқи кўриниши, ўлчамлари, сифат ўлчамларидан ўртача фарқланиши киради.

Специфик кўрсаткичларга маҳсулотнинг етилганлик ва пишганлик даражаси, ички тузилиши, мазаси, зичлиги, уруғларнинг етилганлик даражаси, ёки келтирилган кўрсаткичлардан қанчалик узоқлиги киради.

Мева ва сабзавотларнинг сифатини баҳолашда уларнинг кимёвий кўрсаткичлари инобатга олинмайди.

Асосий эътибор мева, сабзавот ва полиз экинларининг ташқи кўриниши ва ўлчамларига берилади.

Сабзавотлар учун ташқи кўриниш қуйидаги кўрсаткичларга кўра баҳоланади: маҳсулотнинг шакли, ранги, янгилиги, бутлиги, пишганлик ва

етилганлик даражаси, сирти тозалиги, механик шикастланишларинг мавжудлиги.

Маҳсулот шакли ҳар бир хўжалик-ботаник, помологик, ампелографик нав учун ўзига хос бўлиши керак. Сифатсиз кўринишдаги маҳсулотлар дастлабки танловдан ўтказилмайди.

Мева ва сабзавотларнинг сирт ранги уларнинг етилиб пишганлиги ва юкори сифати белгиси ҳисобланади. Уларнинг асосий ранг туркуми – яшил, сарик, оловранг, қизил ва бошқалар. Ёрқин рангли мева ва сабзавотлар юкорироқ баҳоланади. Маҳсулотнинг етилганлиги унинг кимёвий тузилиши, ички тузилиши, истеъмол хусусиятлари ва сақлаш даври давомийлигига ҳам боғлиқ. Ташишга қабул қилинаётган мева ва сабзавотлар етилганлик даражаси бўйича бир хил даражада бўлиши керак, яшил, яъни хом эмас бўлиши лозим.

Барча мева ва сабзавотлар янги пишган, мазали бўлиши мақсадга мувофиқ. Уларнинг бир оз сўлиган бўлиши фақат айрим ҳолларда ўринли (кеч пишадиган 1-нав олмаларда).

Маҳсулотнинг бутлиги унинг алоҳида экземплярлари шикастланиш даражаси, сирт қатламда кесилиш, тирналиш излари, уринганлик излари ва бошқа механик уринишлар етказилганлик, зараркунандалар, фитопатологик ёки физиологик касалликларга чалинганлик даражаси билан белгиланади [27].

Кўпчилик мева ва сабзавот маҳсулотларининг ўлчамлари уларнинг энг катта диаметри ўлчами билан аниқланади. Ўрнатилган стандартларда одатда ўлчамларнинг мақбул бўлган энг кичик чегараси кўрсатилади.

Механик шикастланишлар мева ва сабзавотларнинг ташқи кўринишини бузади, маҳсулотга микроорганизмлар тушишини осонлаштиради, унинг нафас олиши жараёнларини, суви қуриши даражаларини ошириб юборади. Кўп сондаги зараркунанда микроорганизмларга чалинган партия ташиш учун қабул қилинмаслиги лозим, чунки унинг ташқи кўриниши, сифати,

биологик, озуқавий қиймати ташиш давомида жуда тез пасайиб кетади ва сақланувчанлик даражаси тушиб кетади.

Микробиологик жароҳатлар мева, сабзавот ва полиз экинларида касалликларга сабаб бўлади. Кассаликларни қўзғатувчи бўлиб замбуруғлар, бактериялар, вируслар саналади, келиб чиқадиган касалликлар эса инфекцион касалликлар ҳисобланади, чунки улар касалланган маҳсулотдан соф маҳсулотга тарқалиши мумкин. Энг кўп тарқалган касалликларга маҳсулот чириши, похол тортиши кабиларни келтириш мумкин.

Сабзавот ва полиз экинларининг сифати ва сақланиш кўрсаткичини белгиловчи факторлар.

Ташиш давомида мева ва сабзавотларнинг сифатига уларнинг минерал озуқа билан таъминланганлик ва маҳсулотнинг вегетация даври давомида етарли даражада намлик билан таъминланганлиги, уларнинг навга ва иқлим шароитга, ўстириб етиштирилган муҳитига оид хусусиятлари ҳам таъсир этади.

Маълумки, ўсимлик маҳсулотларда органик моддалар синтези учун улар тупроқдан сув олади ва шу сув таркибидаги минерал элементлар, биринчи навбатда, фосфор, азот, калий билан озучаланади.

Шу сабабли мева ва сабзавот маҳсулотларининг ҳосилдорлигини ошириш учун минерал ва органик ўғитлардан кенг фойдаланилади. Уларнинг оптимал танланган бирикмалари ва миқдори ҳосилдорлик кўрсаткичларининг ошишига олиб келади. Кўпчилик сабзавот ва полиз маҳсулотлари учун азот энг муқобил келувчи ўғит тури ҳисобланади. Аммо, совуқ, ёғингарчилик кўп бўладиган ёз давомида азотнинг кенг қўлланилиши салбий оқибатларга олиб келиши мумкин: илдизмева сабзавотларда, баргларда, мева тугунларда кўп миқдорда азотнинг минерал формаси – нитритлар ва нитратлар йиғилиб бориши мумкин. Улар ўзлигича одам организми учун зарарли эмас. Азотнинг тупроқда кўпайиши натижасида мева, сабзавотлар, полиз маҳсулотларида қуруқ моддалар,

илдизмеваларда углеводлар ва крахмалнинг миқдорлари ошиб кетишига сабаб бўлиши мумкин. Бунинг оқибатида бундай тупроқда етиштирилган маҳсулотларнинг ётувчанлик хусусияти камайиб кетади ва ташиш пайтида уларнинг сиртида эзилишлар миқдори ошиб кетади, оқибатда юкнинг сифат сақланиш кўрсаткичи тушиб кетади.

Бундай ҳолларни олдини олиш учун юкни ташишга қабул қилишдан аввал унинг кимёвий таркибини аниқлаш керак. Бунинг учун ташишга қабул қилинаётган юкларнинг таркибидаги шакар, крахмал, қуруқ моддалар, кислоталарнинг аниқ миқдори аниқланади. Айниқса, картошка, қарам навлари, илдизмевалар, помидорларни қайта ишлаш ва сақлашни ташкиллаштиришда буни ҳисобга олиш жуда муҳим.

Мева ва сабзавотларни етиштиришда суғориш ишларини олиб борилиши ҳосилдорликнинг юқори кўрсаткичларига, об-ҳаво шароитларидан қатъи назар, эришишга имкон беради. Аммо, тупроқда маҳсулотнинг етилиши даврида сув кўплиги уларнинг сифатига салбий таъсир этади. Улардаги суюқлик миқдори ошиб кетади, қуруқ моддалар, шакарлар ҳажми камайиб кетади. Ўта намлик етилиш жараёнини сустлаштиради. Айниқса, тупроқда намликнинг ортиши картошка етиштирилишида салбий таъсир этади. Ҳосилдорлик кескин камайиб кетади, картошка турли касалликларга чалинади ва ҳаттоки бўғилиб қолиши ҳам мумкин[28].

Ёғингарчиликнинг нотекис тақсимланиши ёз мавсумида сабзи ва лавлаги маҳсулотларида сирт ёрикликларни кўпайтириб юборади. Пиёз ва саримсоқларда ёмғирли ёз мавсумида етилиш даражали пасайиб кетади ва чириш ҳоллари кўпайиб кетади. Бундай шароитларда етиштирилган помидор маҳсулотлари нисбатан кечроқ етилади ва уларнинг сақлаш муддати камроқ бўлади.

Ҳавонинг нисбий намлиги реза меваларнинг сифатига катта таъсир кўрсатади. Земляника, малина, смородина, крижовник паст ҳарорат ва юқори намлик шароитида секинроқ пишади ва касалликларга мойиллиги

ортади. Реза меваларда шакар, витаминлар, ҳид берувчи моддалар миқдори камайиб кетади. Уларнинг ётувчанлик ва ташишга мойиллик кўрсаткичлари ўта паст бўлади.

Нав хусусиятлари ҳам маҳсулот кимёвий таркиби ва озуқавий қийматига тасир кўрсатади. Одатда, тезпишар навларда суюқлик кўпроқ бўлади ва мос равишда қуруқ моддалар ва шакарлар миқдори кам бўлади. Бундай мевалар, одатда, нордонроқ, кам сақланадиган бўлади. Эрта пишадиган сабзавотлар – бодринг, помидор, қарам – қайта ишлаш жараёнларига номуқобил ҳисобланади ва ётувчанлик хусусиятлари паст бўлади.

Мева ва сабзавотларнинг етиштирилиш зоналари ҳам уларнинг ётувчанлик хусусиятлари ва кимёвий таркибига таъсир кўрсатади. Жанубий ва жануби-шарқий ҳудудларда етиштирилган мева ва сабзавотларда суюқлик миқдори камроқ, қуруқ моддалар ва эрувчан углеводлар эса кўпроқ бўлади. Бунинг сабаби – жанубда экинларнинг қуёш нурига эҳтиёжи тўлиқ қондирилади, демак, органик моддалар синтези жадалроқ кечади[28].

Мева маҳсулотларида, айниқса ёнғоқли ва данакли навларда, кимёвий таркиб дарахтнинг ёшига ҳам боғлиқ бўлади. Ёш, эндигина мева бераётган дарахтлар мевалари ширинлиги паст, ётувчанлик даври кам бўлади. Кўп ҳолларда меваларнинг ўлчамлари тартибсиз бўлиб чиқади. Ёш кучли маза хоссалари дарахтларнинг 10-15 ёшида кузатилади.

Мева ва сабзавотларнинг сифатини оширишга қаратилган чоратадбирларнинг асосий мақсади – механик шикастланишларга, турли касалликларга чидамли навларни етказишдан иборат. Бугунги кунда ушбу чора-тадбирлар натижасида механик теримга чидамли, қалин пўстли помидор нави, вирус касалликларга, фитофтороз, картошка саратонига чидамли картошка навлари етиштирилмоқда.

Узоқ муддат сақлашга мўлжалланган мева ва сабзавот, полиз экинларининг ётувчанлик хусусиятлари кўп жиҳатдан терим жараёни ва

хосилни саралаш жараёнига ҳам боғлиқ. Барча турдаги маҳсулотлар сақлаш ва ташиш жараёнлари олдиндан стандарт талабларига жавоб беришига кўра сараланиши лозим. Чириган, механик жароҳатланган, зах тортган, касалликларга чалинган нусхаларни чиқариб ташлаш партиядаги қолган маҳсулотларнинг сифатини узоқ сақланишига кўмаклашади.

Мева, сабзавот ва полиз экинлари ташишга топширилганда улар ўзининг ҳаётий фаолияти учун зарур бўлган моддалар алмашинуви, органик моддалар захирасига эга бўлади. Сақлаш ва ташиш жараёни давомида уларда турли жараёнлар кечади. Масалан, нафас олиш, намлик тарқалиши, турли органик бирикмаларнинг гидролитик бузилиши.

Мева ва сабзавотларнинг нафас олиш жараёни – муҳим биокимёвий жараён ҳисобланади. Нафас олиш жараёнида тўпланган энергия қисман хужайралар томонидан ўзининг ҳаёт фаолияти учун сарфланади, аммо унинг асосий қисми иссиқлик сифатида ташқи муҳитга ўтади. Жадал нафас олувчи маҳсулотлар ажратадиган иссиқлик уларнинг ҳарорати ошиши ва терлаб қолишига олиб келиши мумкин.

Нафас олиш натижасида мева ва сабзавотларнинг оғирлиги камаёди. Уларнинг нафас олиш интенсивлиги навга, физиологик ҳолатларга ва ташқи шароитларга боғлиқ. Кўкатлар, реза мевалар ва помидорларда бу кўрсаткич жуда баланд, пиёз, илдизмева, цитрус меваларда эса пастроқ. Етилиб пишмаган маҳсулотларда нафас олиш жараёни етилиб пишган маҳсулотларга қараганда жадалроқ кечади. Механик жароҳатлар, ях тортиб қолишлар, сўлиш жараёнлари нафас олиш жадаллигини доим ошириб юборади.

Ташқи факторлардан нафас олиш жараёнига энг кўп ҳарорат таъсир кўрсатади. Унинг нафас олиш жараёнида ошиб бориши жараённи тезлатиб юборади ва озуқавий моддаларни камайтириб юбориб, юкнинг массаси камайишига олиб келади. Бундан ташқари нафас олиш жараёни кечишига атмосферадаги кислород ва ис газининг мавжудлиги ҳам таъсир этади.

Кислород камайиши ва ис гази концентрацияси ошиши нафас олиш жараёнини ўта секинлаштиради.

Намлик тарқалиши мева ва сабзавотларни ташиш жараёнида уларда кечувчи моддалар алмашинувининг нормал ҳолатда кечишига салбий таъсир этади. Намлик тарқалиши жараёнида маҳсулотнинг сирти сўлиб боради. Намлик тарқалишининг жадаллиги маҳсулот нави, анатомик тузилиши, етилиб пишганлик даражаси, ҳамда сақлаш шароитларига боғлиқ.

Юк ташиш воситасидаги ҳаво айланиши ҳам намлик тарқалиши интенсивлигига таъсир кўрсатади. Ҳаво алмашиш тезлиги ортиши билан намлик тарқалиши тезлашиб боради.

Сиртки ва ички қатламларнинг шикастланиши ҳам суюқлик йўқотилишига сабаб бўлади. Бу мева ва сабзавотларни ортишда номуқобил ҳолатдир. Ташиш жараёнида юкнинг массасининг табиий камайиши ҳам асосан намлик тарқалиши ҳисобига кечади.

Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташиш давомида уларда мураккаб органик бирикмаларнинг емирилиши кечиб боради. Крахмал ва сахароза гидролизга учрайди. Органик бирикмаларининг бир қисм нафас олишга сарфланади, шунинг учун сахарозанинг кислоталарга нисбатан миқдори ортади ва меваларнинг мазаси ширинроқ бўлиб қолади. Алоҳида хужайраларни бир-бири билан боғловчи протопектин суюқликда эрувчи ҳолати — пектинга айланади, натижада меваларнинг ички қисмдан қаттиқлик ва дағаллик йўқолади ва мева юмшоқроқ бўлиб қолади. Ташиш жараёни давомида витаминлар миқдори камайиши кузатилади.

Шу билан бир қаторда, мева ва сабзавотларда айрим синтез жараёнлари ҳам кузатилади. Картошка маҳсулотларида яраларнинг битиши бошланади. Баъзи сабзавотларда эса ташиш жараёни давомида С витамини концентрацияси ортиб боради. Меваларда эса уларнинг хиди кучайиши кузатилади.

Ташиш жараёнида мева, сабзавот ва полиз экинлари массасининг табиий камайиши. Ташиш жараёни давомида мева ва сабзавотлар намлигини йўқотади ва энергиянинг кўп қисмини нафас олишга ишлатади, натижада эса юкнинг массаси камаяди. Бундай йўқотишларни табиий камайиш деб юритилади ва уларнинг асосий қисми намлик камайиши (65-90 %) ва органик моддаларнинг нафас олишига (10-35%) сарфланади. Массанинг табиий камайиши ташиш жараёнида олдини олиб бўлмайдиган ҳолдир.

Ўрамнинг бузилиши, нотўғри сақлаш ва қайта ишлаш, ташишга тайёрлаш оқибатида брак ва чиқиндига ажратилган маҳсулот массаси табиий камайиш кўрсаткичларига кирмайди. Табиий камайиш нормалари ҳамма маҳсулотлар учун ҳар хил, маҳсулотнинг нави, йил фасли, сақлаш шароити, ташиш масофаси узоқлигига қараб фарқланади. Масалан, қишги навдаги, салқин, сунъий совутиш тизимсиз омборда сақланган олмалар учун қуйидаги табиий камайиш нормалари ўрнатилган: сентябрда-1.8%, январда-0.5%, мартда-0.5%; сунъий совутиш тизими мавжуд омборларда сақланган олмалар учун эса мос равишда 1.0, 0.25, 0.5% ни ташкил этади. Табиий камайишдан тушган зарар моддий жавобгар шахс ёки корхона томонидан, белгиланган қийматдан ошмаган ҳолда тўланади[26].

2.2 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини темир йўл транспортида ташишнинг бугунги кундаги ҳолати

Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш республикамиз иқтисодиётида муҳим ўрин тутди ва аҳолини озиқ овқат маҳсулотлари билан, қайта ишлаш саноатини хом-ашё билан мунтазам таъминлаб боради. Унинг ялпи ички маҳсулотдаги улуши 2008-йилда 19.4% ни ташкил этди, бу ўз навбатида 2000-йил кўрсаткичларидан 10.7 пункт паст. 2009-йилда бу кўрсаткич 18.2%, 2014-йилда 5.2%ни ташкил этди.

2014-йил якунларига кўра қишлоқ хўжалиги томонидан умумий миқдорда 19633.6 млрд. сўмлик маҳсулот ишлаб чиқарилган, улардан

57.8% ни дехқончилик маҳсулотларига тўғри келди. Қишлоқ хўжалигининг ялпи маҳсулот ҳажми 2013-йилга нисбатан 6.6% га ошган, шу жумладан дехқончилик маҳсулотлари 5.9% га, чорвачилик маҳсулотлари 5.9% га ошди.


Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг нодавлат сектори умумий улушининг 99,9% ни ташкил этди. Қишлоқ хўжалиги маҳсулотларининг ялпи маҳсулот тузилмасида фермер хўжаликлари улуши ортди (34.1%), дехқончилик хўжаликлари ва қишлоқ хўжалик корхоналари улуши камайди (мос равишда 63.7% ва 0.8% га).

Кўриб чиқиладиган давр давомида мева ва сабзавотлар, полиз маҳсулотларини етиштиришда ижобий ўсиб бориш тенденцияси кузатилмоқда. Жумладан, полиз маҳсулотларини етиштириш 3.1 марта, ҳўл мева ва реза меваларни етиштириш 2.6 марта, узум 1.9 марта, картошка 1.5 марта, сабзавотларни етиштириш 2.9 марта кўпайди. Бу нафақат маҳаллий аҳолининг полиз экинлари, мева ва сабзавотларга бўлган эҳтиёжини қоплаш учун, балки ушбу маҳсулотларни экспорт қилиш учун ҳам етарлича.

1992-2014 йиллар давомида мева, сабзавот ва полиз маҳсулотларининг ялпи йиғин кўрсаткичлари ривожланиши бир текисда кетмаган. Айнан, 1995 йилда мева, сабзавот ва полиз экинларининг ялпи йиғими 1991 йилга нисбатан 762 минг тоннага кам бўлган (2.1-расм)[21].

Кейинчалик, 2001йилда 1995 йилга нисбатан 4728 минг тоннага мева, сабзавот ва полиз экинлари ялпи йиғини миқдорига тушиб кетгани кузатилмоқда. 2002 йилга келиб, бу жараён ўзининг нормал ҳолига қайтди, яъни, 1991йилдаги барқарор қийматга эришилди. 2008 йилда республикада 9791 минг тонна мева, сабзавот ва полиз экинлари маҳсулотлари етиштирилди, яъни 2007 йилги кўрсаткичлардан 917 минг тоннага, ёки 10.3%га кўп. 2010 йилга келиб эса, бу кўрсаткич 11921.3 минг тоннани ташкил этди, яъни 2007 йил кўрсаткичига нисбатан 121.8% ни; 2014 йилда


– 14498.2 минг тонна, ёки 2010 йилга нисбатан 121.6% ни ташкил этган[21].




2.1-расм. Мева ва сабзавот, полиз экинларини етиштиришнинг динамикаси

2014 йил натижаларига кўра қишлоқ хўжалиги маҳсулотларини етиштиришда етакчи ўринни сабзавотлар – 62.4%, хўл мева ва реза меваларни етиштириш – 15.2%, картошка – 16.5%, полиз экинлари – 11.4%, узум эса 9.7% ни эгаллайди.

1991-2014 йиллардаги ялпи йиғин кўрсаткичларига кўра, сабзавотлар улуши тушиши (1991-йилда 59.6% дан 2014-йилда 62.4%) ҳисобига картошка (6.2% дан 16.5% га) ва мевалар (9.2% дан 15.2% га) ошганлиги кузатилмоқда (2.2 ва 2.3-расмлар).




2.2-расм. Ўзбекистон Республикасида етиштирилган мева, сабзавот ва полиз экинлари тузилмаси



2.3-расм. Ўзбекистон Республикасида сабзавот ва полиз маҳсулотларининг ялли терими ошиши даражаси

Сабзавот ва полиз маҳсулотларини етиштириш даражаси кўпайишига полиз экинлари, картошка, реза мевалар ва узум етиштириш даражаси ошиши ҳисобига эришилди.

Маҳсулот етиштириш даражаларини территориал ўрганишда маълум бўлдики, 1991-2014 йилларда ялпи теримнинг катта улуши Андижон, Самарқанд, Тошкент вилоятларида энг юқори, Қорақалпоқистон Республикаси, Навоий ва Сирдарё вилоятларида энг паст бўлган (2.4-расм).



2.4-расм. Маҳсулотнинг ялпи терими регионал кўрсаткичлари, фоизларда

1991-2014 йилларда узум терими кўрсаткичлари 724.5 минг тоннага ошди.

Ушбу йиллар давомида энг катта терим Самарқанд (321,5 минг тоннага), Тошкент (70,1 минг тонна) ва Бухоро (87,2 минг тонна) вилоятларида кузатилган.

Хўл мева ва реза мевалар ялпи терими 1991-2012 йилларда 2.9 марта ошди ва 2052,6 минг тоннани ташкил этди[27].

2.1-жадвал

Республикада ҳўл мева ва реза мевалар ялпи терими динамикаси

Регион номи	Йиллар								
	1992	1996	2002	2006	2008	2010	2011	2012	2013
<i>Ўзбекистон Республикаси</i>	701,5	604,8	842,9	1182,2	1402,7	1710,3	1878,8	2052,8	2261,1
Қорақалпоқистон Республикаси	11,3	6,8	8,7	15,7	19,7	24,7	27,4	30,5	33,1
<i>Вилоятлар:</i>									
Андижон	104,7	110,4	182,8	238,0	284,1	358,9	396,9	439,5	478,1
Бухоро	34,8	35,8	59,4	96,0	121,6	150,9	163,5	179,5	198,8
Жиззах	24,1	19,8	24,0	42,3	47,7	56,3	61,7	65,6	72,8
Қашқадарё	54,6	32,8	34,4	43,9	55,0	73,4	80,6	88,7	96,6
Навоий	7,4	7,7	25,0	49,3	54,1	61,3	69,7	77,0	86,0
Наманган	85,4	70,1	71,4	86,5	108,9	126,3	138,1	158,0	182,0
Самарканд	110,5	73,6	111,0	170,6	196,6	231,7	251,2	273,1	300,7
Сурхандарё	38,5	27,6	44,0	71,4	77,9	92,3	101,5	108,8	119,1
Сирдарё	10,0	8,7	11,8	13,8	15,8	19,8	21,3	24,7	26,0
Тошкент	104,0	91,9	101,4	104,9	120,1	140,1	162,7	162,2	173,1
Фарғона	84,5	83,1	111,9	165,4	199,3	256,4	276,9	308,8	348,1
Хоразм	31,7	36,5	57,1	84,4	101,9	118,2	127,3	136,4	146,7

2.2-жадвал

Сабзавотларнинг ялпи терими динамикаси

Регион номи	Йиллар								
	1992	1996	2002	2006	2008	2010	2011	2012	2013
<i>Ўзбекистон Республикаси</i>	3494,3	2497,4	2935,6	4294,1	5221,3	6346,5	6994,0	7767,4	8518,4
Қорақалпоқистон Республикаси	74,7	77,6	37,7	90,8	119,4	134,2	145,5	166,4	201,6
<i>Вилоятлар:</i>									
Андижон	399,8	392,7	401,9	569,4	679,7	861,7	952,4	1076,9	1203,4

Бухоро	196,8	154,7	160,6	225,7	291,3	354,8	391,2	438,0	478,1
Жиззах	171,1	125,9	66,4	163,2	194,8	230,8	258,2	282,2	309,0
Қашқадарё	206,2	136,2	136,2	193,4	247,3	321,5	362,8	398,0	434,0
Навий	55,1	32,2	59,2	99,9	117,6	149,1	171,3	184,4	202,0
Наманган	221,8	205,7	231,1	281,7	376,1	439,4	488,7	529,5	574,6
Самарқанд	474,5	342,9	499,2	814,6	879,6	1049,7	1149,2	1253,4	1350,8
Сурхандарё	288,8	135,4	189,3	322,4	369,2	486,4	540,2	632,9	689,8
Сирдарё	114,1	46,7	95,2	119,1	142,7	182,7	195,7	217,5	247,9
Тошкент	761,2	447,4	640,1	859,5	1081,2	1299,1	1418,2	1572,0	1716,9
Фарғона	384,2	255,9	276,7	316,9	384,1	459,4	520,1	578,0	638,7
Хоразм	146,0	144,1	142,0	237,5	338,3	377,7	400,5	438,2	471,6

Картошканинг ялпи терими 1991-2010 йилларда 1,5 марта ошди ва 2056,1 минг тоннани ташкил этди. Ушбу маҳсулотнинг динамик ўсиши Самарқанд (86,4 минг тонна), Тошкент (239,1 минг тонна), Андижон (182,7 минг тонна) ва Фарғона (175,1 минг тонна) вилоятларида кузатилди. Энг кам ўсиш Қорақалпоқистон Республикаси (31,3 минг тонна) ва Сирдарё (27,0 минг тонна) вилоятида кузатилди (2.3-жадвал)[27].

2.3-жадвал

Картошканинг ялпи терими динамикаси

Регион номи	Йиллар								
	1992	1996	2002	2006	2008	2010	2011	2012	2013
Ўзбекистон Республикаси	351,2	439,9	731,1	916,8	1398,7	1530,9	1694,8	1862,1	2056,1
Қорақалпоқистон Республикаси	5,1	4,8	8,8	13,2	21,6	25,1	31,1	32,9	36,4
<i>Вилоятлар:</i>									
Андижон	18,5	27,4	64,6	84,7	138,1	150,7	169,5	179,9	201,2
Бухоро	4,3	19,7	43,4	60,8	95,1	100,9	115,2	128,2	141,7
Жиззах	14,0	11,1	12,4	21,0	30,8	33,4	38,3	43,3	46,2
Қашқадарё	19,7	19,7	42,6	50,8	75,3	86,2	97,7	112,0	126,3
Навий	2,8	6,6	15,0	24,9	35,9	38,7	42,7	45,8	51,2
Наманган	46,3	66,0	79,9	76,8	132,8	135,4	152,8	167,0	188,1

Самарканд	63,1	80,6	166,8	203,1	308,1	334,6	371,7	409,1	449,5
Сурхандарё	43,6	18,4	56,3	88,2	105,9	116,5	127,6	145,1	159,0
Сирдарё	6,6	11,7	11,2	16,7	22,7	24,6	28,8	30,9	33,6
Тошкент	79,5	80,4	127,0	140,0	222,8	251,6	268,8	291,4	318,6
Фарғона	32,9	65,9	82,6	98,4	135,8	157,7	170,1	189,0	208,0
Хоразм	14,8	27,6	20,5	38,2	73,8	75,5	80,5	88,0	96,3

1991-2012 йилларда полиз экинлари ялпи терими миқдори 492.6 минг тоннани ташкил этди. Бу кўрсаткичга полиз экинларининг 9 та вилоятда терими ҳисобига эришилди: Андижон, Бухоро, Қашқадарё, Навоий, Самарканд, Сурхандарё, Сирдарё, Тошкент, Фарғона вилоятлари.

Иккита регионда полиз экинлари ялпи терими кўрсаткичлари тушиб кетган: Қорақалпоқистон Республикаси (12.1 минг тонна) да ва Жиззах вилояти (17.6 минг тонна)да[21].

2.4-жадвал

Полиз экинларини ялпи терими динамикаси

Регион номи	Йиллар								
	1992	1996	2002	2006	2008	2010	2011	2012	2013
Ўзбекистон Республикаси	925,8	472,0	451,4	609,4	981,2	1071,3	1182,4	1294,8	1418,4
Қорақалпоқистон Республикаси	98,4	42,1	24,8	27,6	61,3	67,6	69,5	76,3	86,3
<i>Вилоятлар:</i>									
Андижон	29,5	17,7	8,9	13,6	55,5	58,1	64,9	71,2	79,6
Бухоро	43,7	20,9	33,5	50,3	66,4	71,2	79,6	87,2	94,7
Жиззах	205,9	141,5	50,9	109,8	134,1	139,2	155,8	174,0	188,3
Қашқадарё	63,9	44,7	35,8	41,7	70,2	76,7	86,1	100,3	111,2
Навоий	13,6	8,1	16,6	21,9	35,9	38,2	42,2	47,2	51,0
Наманган	47,8	18,6	22,4	26,7	43,1	44,2	48,9	53,2	56,9
Самарканд	33,8	24,8	30,1	40,8	60,8	62,2	69,8	75,5	82,6
Сурхандарё	64,9	32,3	63,9	60,9	93,3	102,9	114,0	123,6	137,4
Сирдарё	160,6	25,5	67,8	107,4	164,0	185,9	209,4	224,7	246,1
Тошкент	57,2	34,4	49,0	43,5	90,4	93,1	102,0	108,8	121,9
Фарғона	22,4	18,8	25,1	21,1	27,7	41,0	45,7	49,7	53,2
Хоразм	84,1	42,6	22,6	44,1	78,5	91,0	94,5	102,8	109,2

Регионларнинг мева, сабзавот ва полиз экинларининг регионлар бўйича тахлили натижаларига кўра:

- мева ва реза мевалар етиштиришда узум улуши Бухоро, Навоий, Самарқанд вилоятларида каттароқ, Қорақалпоқистон Республикаси, Андижон, Жиззах, Сирдарё, Хоразм вилоятларида камроқ миқдорни ташкил этади;

- ҳўл мева ва реза меваларнинг ялпи терими Андижон, Бухоро, Навоий, Наманган, Фарғона, Хоразм вилоятларида кўпроқ, Қорақалпоқистон Республикаси, Сирдарё ва Тошкент вилоятларида камроқ улушни ташкил этган;

- мева, сабзавот, полиз экинлари маҳсулотларини етиштиришда Андижон, Тошкент вилоятларида йиғим кўрсаткичлари каттароқ, Навоий ва Сирдарё вилоятларида эса нисбатан камроқ кўрсаткични ташкил этади;

- картошка етиштириш Наманган, Самарқанд ва Фарғона вилоятларида яхшироқ йўлга қўйилган. Қорақалпоқистон Республикаси, Самарқанд, Наманган, Фарғона вилоятларида нисбатан сустроқ йўлга қўйилган;

- полиз экинларини етиштириш Қорақалпоқистон Республикаси, Жиззах ва Сирдарё вилоятларида яхшироқ йўлга қўйилган, энг суст эса – Андижон, Самарқанд, Фарғона вилоятларида йўлга қўйилган.

2.3 Сабзавот ва полиз маҳсулотларини Ўзбекистон Республикаси ҳудудида таянч станцияларга етказиб бериш технологияси

Ўзбекистон Республикаси транспорти иқтисодий алоқаларни нафақат республика вилоятлари орасида, балки МДХ ва узоқ чет эл давлатлари орасида ҳам олиб боради. Мева, сабзавот ва полиз экинлари республиканинг экспорт потенциалини ташкил этганини ҳисобга олган ҳолда, унинг истеъмолчига етказиб бериш жараёнида деярли барча транспорт турлари қатнашади.

2012 йил мобайнида 556.1 минг тонна мева, сабзавот ва полиз экинлари экспорт қилинган бўлиб, уларнинг 85% Россия Федерацияси улушуга, 6%

Қозоқистон, 1% дан камроқ қисми Афғонистон Республикалари улушуга мос келади[29].

Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташишда учта транспорт тури қатнашади: ҳаво транспорти, автомобил транспорти ва темир йўл транспорти. Ўтган йиллар давомида темир йўл транспорти мева ва сабзавотлар экспортида транспорт хизматларини кўрсатиш даражаси бўйича етакчи ҳисобланмоқда. Шу жумладан, республика ҳудудидан ташқарида жойлашган истеъмолчиларга маҳсулотнинг етказиб берилган ҳажми 2000-2012 йилларда 85-90% ни ташкил этди. Бу ерда транспорт комплексида ташқари бўлган объектив сабаблар таъсири сабабдир (божхона ва шу каби тўловларнинг келиб чиқиши, оқибатда ташиш жараёнини таннари ошиши). Аммо, шунга қарамасдан, юкнинг истеъмолчига темир йўл транспорти орқали етиб бориши секинлашди. Бунга қуйидагилар сабаб бўлиб келмоқда:


- майда партияли жўнатмалар учун етиштириладиган маҳсулот миқдори билан ажралиб турадиган деҳқон ва фермер хўжаликларининг пайдо бўлиши;

- аввал яхлит бўлган темир йўл тармоғининг бўлиниб кетиши;

- МДХ давлатлари чегараларида божхоналарнинг пайдо бўлиши (юкнинг юк қабул қилувчига етиб боришини секинлаштиради) ҳамда агросаноат ва транспорт комплекси фаолиятига боғлиқ бир қанча факторларнинг келиб чиқишидир (ортиб туширилаётган маҳсулотнинг транспортабеллигини таъминлаш, сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташиш учун ортиш жараёнида маҳсулотни тайёрлашнинг барча техник нормаларига риоя этиш, транспорт комплексида юкларнинг бутунлигини таъминлаш).

Мева, сабзавот, полиз экинларини темир йўл транспорти орқали ташиш суратлари сўнгги йиллар давомида ўзгарувчан даражада ривожланиб бормоқда. Чунончи, 2005 ва 2006 йилларда ижобий ўсиш даражалари кўринган. Аммо кейинги йилларда (2007 ва 2008) мева, сабзавот, полиз

экинларини ташиш суратлари тушиб борганини кузатиш мумкин. Ушбу ўзгаришлар 2.5-расмда акс эттирилган.



2.5-расм. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини темир йўл транспорти орқали ташиш динамикаси

(2007-2012 йиллар)

Ташилаётган мева, сабзавотлар ва полиз экинлари номенклатурасини қуйидагилар ташкил этади:

- поме экинлар – узум, олма, нок;
- данакли экинлар – ўрик, олхўри, шафтоли;
- полиз экинлари – ковун, тарвуз;
- сабзавотлар – карам, пиёз, лавлаги, сабзи, хурмо;

Уларни ташишда ёпиқ турдаги вагонлар, АРВ вагонлар, 4 ва 5 секцияли рефрижиратор вагонлардан фойдаланилади.

Темир йўл транспорти сабзавот ва полиз маҳсулотларини маҳаллий йўналишларда ҳам ташийди. Бу ташишлар, одатда, узоқ жойлашган, маҳсулот етиштириш даражаси паст бўлган вилоятларга ташкиллаштирилади. Шу жумладан, 2008 йилда республика бўйича 318 тонна мева ва сабзавот, полиз экинлари ташилган. Ўтган йилларда эса ушбу маҳсулотларни ташиш динамикаси ўзгача бўлган. 2005 йилда 2000 тонна, 2006 йилда 1349 тонна, 2007 йилда 2211 тонна, 2008 йилда 318 тонна маҳсулот ташилган бўлса, 2010-2012 йилларда маҳаллий ташишлар амалга

оширилмаган. Республика ҳудудида мева, сабзавот ва полиз экинларини ташишда иштирок этувчи автомобил транспорти статистика бошқармаларига ҳисобот топширмайди. Шунга қарамасдан, ишлаб чиқилган баланслардан маълум бўлдики, мева, сабзавот ва полиз экинларининг маҳаллий ташуви фақат зарурий ҳолларда – у ёки бу мева, сабзавотнинг ҳосил бермаганлигида амалга оширилади[29].

Хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда асосий коридорлар қуйидагилардир: Тошкент – Келес; Тошкент – Бейнеу – Мангишлак. Шу билан бир қаторда, Россиянинг европа қисмига ташиладиган маҳсулотлар Бейнеу ва Мангишлак станциялари орқали; шарқий қисмига эса – Келес – Арысь станциялари орқали ташилади. Йўналишдаги халқаро чегара пунктлари Келес ва Қорақалпоқистон станциялари, уларда Қозоғистон ва Ўзбекистон божхоналари томондан божхона кўриги амалга оширилади[22].

Сўнгги йилларда сабзавот ва полиз маҳсулотларини халқаро ташишда бир қанча ўзгаришлар бўй берди. Жумладан, Россиянинг европа қисмига ташиш Илецк станциясигача, шарқий қисмига Монетный двор станциясигача амалга оширилади. Ушбу станцияларда юкларни қабул қилиш ва топшириш ишлари, божхона кўриги, Россиянинг божхона хизматларида тегишли ҳужжатлар расмийлаштируви олиб борилади. Кейин эса юк манзилига Россия транспорти билан етказилади.

Минтақавий темир йўл узелларида ташишнинг умумий ҳажмидаги улуши турличадир. Энг катта қисм Тошкент МТУ (2005 йилда 76%, 2010 йилда эса – 67%) орқали ташилади, Қўқон МТУ орқали 15% 2005 йилда ва 19% 2012 йилда, Бухоро МТУ томонидан эса 2005 йида 8%, 2012 йилда 11% қишлоқ хўжалик маҳсулотлари ташилган[21].

Сабзавот ва полиз маҳсулотларини оммавий етилиши даврида уларни ортишда қуйидаги станциялар энг кўп иш ҳажмига эга: Олтиарик, Какир, Фуркат, Маргилан ; Келес, Чуқурсай, Уртааул, Янгиюль, Тошкент – юк, Сырдарьинская, Зарафшан, Джамбай, Самарканд ва бошқалар.

Охирги йилларда Фарғона водийсидан қишлоқ хўжалик маҳсулотларини Тошкент вилоятининг Рахимово, Келес, Янгийўл ва бошқа станцияларидан ташиш учун ортилмоқда. Шунингдек Тошкент вилоятидаги станциялардан Сурхандарё ва Қашқадарё вилоятларида етиштириладиган маҳсулотлар ҳам ортилмоқда. Бунинг сабаби шуки, Келес халқаро чегара пунктигача ҳаракат таркиби жуда секин, техник станцияларда ҳаракат таркибини тузилишини, локомотив етказиб берилишини узоқ кутиб, кўплаб қайта ишлаш операциялари билан етиб келади[30].

Юк станцияга фермер ва деҳқон хўжаликларидан етказилади. Бунда улар орасидаги масофа 45-65км.дан ошмаслиги зарур. Аммо сабзавот ва полиз маҳсулотларини Фарғона водийсидан етказишда бу масофа 200-250 км.ни ташкил этади. Фарғона водийсидан юк етказишда рефрижиратор ҳаракат таркиби – рефрижиратор автомобиллардан фойдаланилади. Маҳсулотни ортиш ишлари асосан куннинг кечки пайтида амалга оширилади. Автомобил вагоннинг эшикли томонига орқа тарафлама очик эшик билан келиб тўхтади[31].

Омборхоналарда узоқ сақлангандан кейин ташиш учун қарам, хурмо, пиёз ва полиз экинлари муқобил.

Ташиш учун энг муқобил фасл баҳор ва куз мавсумлари ҳисобланади. Бу даврда асосан сабзавотлар – пиёз, сабзи, лавлаги, қарам, кечки картошка ва полиз экинлари ташилади. Келтириб ўтилган маҳсулотлар рефрижиратор ҳаракат таркиби ёки ёпиқ турдаги вагонларда ташилади.

Йил давомида узоқ сақланилгандан кейин таркибида турли нитратлар миқдори бўлган маҳсулотларнинг тажрибали ташиш жараёни ташкиллаштирилди.

II БЎЛИМ БЎЙИЧА ХУЛОСА

1. Ўзбекистон Республикаси транспорти иқтисодий алоқаларни нафақат республика вилоятлари орасида, балки МДХ ва узоқ чет эл давлатлари орасида ҳам олиб боради. Мева, сабзавот ва полиз экинлари республиканинг экспорт потенциалини ташкил этганини ҳисобга олган ҳолда, унинг истеъмолчига етказиб бериш жараёнида деярли барча транспорт турлари қатнашади.

2. Қишлоқ хўжалик маҳсулотларини ишлаб чиқариш республикада иқтисодиётида муҳим ўрин тутди ва аҳолини озиқ овқат маҳсулотлари билан, қайта ишлаш саноатини хом-ашъё билан мунтазам таъминлаб боради.

3. Ташиш учун энг муқобил фасл баҳор ва куз мавсумлари ҳисобланади. Бу даврда асосан сабзавотлар – пиёз, сабзи, лавлаги, қарам, кечки картошка ва полиз экинлари ташилади.

4. Хўжалик маҳсулотларини экспорт қилишда асосий коридорлар қуйидагилардир: Тошкент – Келес; Тошкент – Бейнеу – Мангишлак. Шу билан бир қаторда, Россиянинг европа қисмига ташиладиган маҳсулотлар Бейнеу ва Мангишлак станциялари орқали; шарқий қисмига эса – Келес – Арысь станциялари орқали ташилади.

5. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини оммавий етилиши даврида уларни ортишда энг кўп иш хажмини Олтиарик, Какир, Фуркат, Маргилан; Келес, Чуқурсай, Уртааул, Янгиюль, Ташкент – юк, Сырдарьинская, Зарафшан, Джамбай, Самарканд станциялари бажаради.

III БЎЛИМ. САБЗАВОТ ВА ПОЛИЗ МАҲСУЛОТЛАРИНИ ТЕМИР ЙЎЛ ТРАНСПОРТИДА ТАШИШ ЖАРАЁНИНИ ТАКОМИЛЛАШТИРИШ

3.1. Сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташишни ташкил этишнинг (универсал контейнерларда) янги чора-тадбирларини ишлаб чиқиш ва асослаш

Бугунги кунда аралаш турдаги ташишларни ташкил этиш энг долзарб масалалардан бири ҳисобланмоқда. ТошТЙМИда рефрижиратор секция ҳаракатига тақлид этувчи стенд мавжуд бўлиб, бугунги кунда у рефрижиратор автомобил ва универсал контейнер ҳаракатини тақлидига жихозланган.

Қайта жихозлаш учун керакли ўлчамлар олиб борилган. Ўлчамлар ҳаракат таркибининг тебраниши ва тезлик ўзгариши учун ҳисобланган. Бунинг учун сабзавот ва полиз маҳсулотларини ташувчи автомобил ҳаракат таркибига спидометр ва виброметр ўрнатилган. Ҳаракат таркибининг тебраниши автомобил тезлигига боғлиқ ҳолда кузатилган. Ўлчамларнинг бир қисми 3.1-жадвалда кўрсатилган.

3.1-жадвал.


Тебранишнинг тезликка боғлиқ ҳолда «х, у, z» ўқлари бўйича ўзгариши

X_value	Y_value	Z_value	time_diff_in_ms	V (km/h)
1,138	-1,123	10,198	23	96,94237
0,806	-1,14	10,966	23	103,8163
-0,108	-0,703	12,355	23	116,2217
-0,821	-1,151	11,411	23	107,9836
-1,091	-1,148	11,231	23	106,5172
-1,322	-1,962	9,926	23	95,82932
-0,653	-1,95	10,621	22	106,2156
-0,733	-1,333	10,381	23	98,53235
0,18	0,054	9,071	23	85,2068


0,007	-0,805	10,091	23	95,06874
0,117	-0,971	10,11	23	95,38931
0,51	-0,686	10,227	24	92,36395
0,674	-0,681	8,374	23	79,15589
0,475	0,158	9,546	23	89,77256
0,354	-0,768	9,647	23	90,94534
0,479	-0,659	9,238	21	95,38822
1,422	-0,342	7,788	22	77,80064
1,185	0,333	8,54	23	81,03053
0,117	-0,03	11,566	23	108,6257
0,256	-0,491	11,161	22	109,7155
-0,92	-0,666	10,802	23	102,0041
0,051	-0,12	9,129	23	85,74196

